

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ” ЙЎНАЛИШИ**

**“ШАКЛ ТАСВИРИНИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА  
ИДРОК ҚИЛИШ НАЗАРИЯСИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** К.Беҳзод номидаги МРДИ “Тасвирий санъат тарихи  
ва назарияси” кафедраси доценти,  
Фатхуллаев Равшан Саъдуллаевич

**Тақризчилар:** **Жанубий Корея Республикаси Конгук университети**  
профессори, PhD Kim In Og  
К.Беҳзод номидаги МРДИ  
“Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси доценти,  
Ўзбекистон халқ рассоми М.Н.Нуриддинов

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	12
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	73
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	85
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	90
VII. ГЛОССАРИЙ .....	92
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. ....	94

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака

хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Рангтасвир(турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Шакл тасвирининг психологияси ва идрок қилиш назарияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятларини;
- ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунчаларни;
- ижодкорнинг тасавури ва кўриш хотираси хусусиятларини;
- тасвирий санъатда асрлар мобайнида шаклланган услубий анъаналарни;
- тасвирий санъатда реалистик мактаб намоёндаларини;
- ижодкорнинг индивидуал ифодалаш хусусиятлари;
- тасвирий санъатнинг замонавий концепциясини;
- рангтасвирдаанъанавийвазамонавийуслубларни;
- бадий ижодиётда тасаввур оламини;

- ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунчаларни;
- характерда одатийлик ва индивидуаллилик хусусиятларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- тасвирий санъат фанларида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга тадбиқ этиш;
- тингловчиларда фикрлаш қобилиятини шакллантириш;
- рангтасвирда инсон қиёфасининг мураккаб тасвирида рухий ифодалаш;
- тингловчиларда кузатувчанликни ривожлантириш;
- ижодкор фаолияти ҳақидаги умумий ва индивидуал қирраларини ифодалаш ва етказа билиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- тасвирий санъат фанларида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга тадбиқ этаолади;
- тингловчиларда фикрлаш қобилиятини шакллантиради;
- рангтасвирда инсон қиёфасининг мураккаб тасвирда рухий ифодалайди;
- тингловчиларда кузатувчанликни ривожлантиради;
- рангтасвир санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятларини ривожлантириш;
- ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунчаларни таҳлил қилиш;
- ижодкорнинг тасавури ва кўриш хотираси хусусиятларини ривожлантириш;
- тасвирий санъатда асрлар мобайнида шаклланган услубий анъаналарни тушунтириб бериш;
- ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиш;
- тасвирий санъатда йўналиш ва оқимлардаги услубларини ижодий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Шакл тасвирининг психологияси ва идрок қилиш назарияси” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест

сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Бадиий академия марказий кўрғазмалар залига ташриф буюрилади ва бирор бир табиат манзариси ёки инсон қиёфалари танланади. Танланган асарга композициялар амалий машғулоти тугатилади ва дарс сўнгида таҳлил қилинади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Шакл тасвирининг психологияси ва идрок қилиш назарияси” модули мазмуни ўқув режадаги “Рангтасвир фанини ўқитиш методикаси”, “Рангтасвир фанини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиш”, “Рангтасвирда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари”, “Тасвирий санъатда анъанавий ва замонавий услублар” ва “Арт маркетинг” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар рангтасвир санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, рангтасвирда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

	Модулмавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот		
1.	Ижодкор шахсининг психологияси ва услублари	2	2	2			
2.	Ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунча.	2	2	2			
3.	Борлиқни идрок қилиш ва уни тасвирлаш.	12	10		6	4	2
4.	Бадиий фикрлаш хусусиятлари.	6	6	2	4		

5.	Ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунча.	6	6	2	4		
6.	Характерда одатийлик ва индивидуаллилик.	2					2
<b>Жами:30</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Ижодкор шахсининг психологияси ва услублари (2-соат).**

Ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятлари. Шахс шаклланишида педагогнинг роли. Тасвирда динамика ва статиканинг вазифаси. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: слайдлар, альбомлар, видеофильмлардан фойдаланилади.

### **2-мавзу: Ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунча. (2-соат)**

Тасвирий фаолиятда кўникма, маҳорат ва тажриба. Тингловчиларда кузатувчанликни ривожлантириш. Ижодкорнинг индивидуаллик хусусияти. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: слайдлар, альбомлар, видеофильмлардан фойдаланилади.

### **4-мавзу: Бадиий фикрлаш хусусиятлари.**

Тингловчиларда фикрлаш қобилиятини шакллантириш. Ижодкорнинг индивидуал ифодалаш хусусиятлари. Бадиий ижодиётда тасаввур олами. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: слайдлар, альбомлар, видеофильмлардан фойдаланилади.

### **5-мавзу: Ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунча.**

Характерда одатийлик ва индивидуаллилик. Тасвирий санъат фаолияти ва сезги. Ижодкорнинг руҳий ҳолати. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: слайдлар, альбомлар, видеофильмлардан фойдаланилади.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

### **1-амалий машғулот:**

#### **Борлиқни идрок қилиш ва уни тасвирлаш.**

Ижодкорнинг тасаввур оламини акс эттириши. Ижодкорнинг тасаввурни ва кўриш хотираси хусусиятлари. Ижодкорнинг тасаввурни акс эттиришида индивидуаллик. Махсус хона, рангтасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Бадиий фикрлаш хусусиятлари.**

Ижодкорда фикрлаш қобилияти. Рангтасвирда индивидуал ифодалаш хусусиятлар. Ижодкорда бадиий тасаввурни кенгайтириш. Махсус хона, рангтасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар.

### **3-амалий машғулот:**



### **Ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунча.**

Ижодкор характерда одатийлик ва индивидуаллилик. Ижодкорнинг руҳий ҳолати. Бадиий асарда шакллар руҳий ҳолатини акс эттирилиши. Махсус хона, рангтаъсир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар.

#### **Кўчма машғулоти (4 соат)**

Атроф муҳит, Бадиий академия марказий кўрғазмалар залига, музейларга ташриф буюрилади ва бирор бир табиат манзариси ёки инсон қиёфалари танланади. Танланган асарга композициялар амалий машғулоти тугатилади ва дарс сўнгида таҳлил қилинади.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);


- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

-

#### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Тест	2,5	1 балл
2.	Бадиий асар танлаш ва уни тасвирлаш.		1 балл
3.	Мустақил иш		0,5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**



**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби

фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазиятёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна:** Масалан 1-март дарсида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-таҳлил” методи асосида, кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) таҳлил қилинади.

**“Инсерт” методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;

➤ тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			

“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Намуна** сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан Инсерт методи аксосида таҳлил қилиб чиқилади (ўқитувчи назорати остида).

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Ижодкор шахсининг психологияси ва услублари.

##### Режа:

- 1.1. Ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятлари.
- 1.2. Квадратнинг яширин тузилмаси.
- 1.3. Психологик ва жисмоний баланс.

**Таянч иборалар:** абстракция, образ, объект, шедевр, идрок қилиш, пантомима, визуал, портрет, конфигурацион, категория, концептуал, интуитив, рецепт, импульс, мотивацион.

#### 1.1. Ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятлари.

Санъатнинг суҳбатларга ғарқ бўлиш хавфи бордек. Камдан-кам холларда биз санъат деб қабул қилганларимизнинг янги намуналари билан танишамиз. Лекин биз китоблар, мақолалар, тезислар, маърузаларнинг улкан оқими остида қолганмиз. Буларнинг ҳаммаси бизга ниманинг ҳақиқий санъат эканини ва қайсиларини санъат деб бўлмаслигини тушунтиради. Нималарнинг ким томонидан, нима учун, кимлар учун, қаерда ва қачон амалга оширилганини тушунтиради. Бизни мутахассис бўлмаган хаваскор маслахатчи ва тахлилчиларнинг ўрганиб чиққан ишлари таъқиб қилади. Яна биз санъатда ўзига ишонмаганларнинг санъат ҳақида жуда кўп гапиришлари ва ўйлашларини тахмин қилишимиз мумкин. Эҳтимол бундай ташхис юзакидай ҳисобланар. Туғриси бу ҳолат ҳар-бир киши учун қониқарсиздек кўринади, лекин биз эҳтиёткорлик билан унинг сабабларини қидирсак биз бир вақтда маданият ва санъатнинг меросхўрлари бўла туриб ҳақиқий санъатни ярата олмаяпмиз ва эҳтимол бизга бу ҳақида ўйлаш ноқулайдир.<sup>1</sup> Бизнинг ғоя ва тажрибаларимиз чуқур эмас, ёки чуқур бўлганда ҳам умумий бўлишни истамайди. Биз ўзимизнинг нарсаларни сезги органларимиз орқали тафаккур қилишимизга юзаки қарадик, менсимадик.

Идрок сезгидан узилиб қолган, ҳаёл абстракциялар орасида ҳаракатланади.

Бизнинг кўзларимиз аниқлаш ва ўлчаш учун керак булган асбоблар даражасига тушиб қоллиб, биз ғояларимизнинг қашшоқлигидан азият чекамиз, кўраётган образларимизнинг қандай маъно кашф қилишини кўра олмаймиз. Табиийки биз объектларнинг соддалаштирилмаган мантиқий маъноси хузурида ўзимизни йўқотиб кўямиз ва ўзимизга кўпроқ таниш бўлган сўзлардан паноҳ излаймиз.<sup>2</sup>

Албатта, шедеврнинг оддий таъсири кифоя қилмайди. Жуда кўпчилик музейларга ташриф буюради, расм тўпламли китоблар йиғадилар ва шунинг баробарида ҳақиқий санъатга яқинлашишига имконият йўқ. Кўз билан

<sup>1</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-1.

<sup>2</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-1

тушуниши имконияти ғафлатда бўлса уларни уйғотиш керак. Бунинг энг яхши йўли қалам, мўйқалам ва эхтимол камера билан амалга оширилади. Лекин ёмон одамлар ва нотўғри фикрлашлар бировнинг ёрдамсиз идрок қилиш йўлини тўсади. Кўпинча визуал далил самарали фойда беради: баъзида заиф жойлар курсатилади ёки яхши мисоллар билан намоиш этилади.

Лекин камдан-кам холларда бундай ёрдам сукутли пантомима шаклида булади. Инсониятнинг бир-бирлари билан суҳбатлашишларига ажойиб сабаблар бор. Мен буни санъат соҳасида тўғри йул деб ҳисоблайман. Бироқ бу ерда биз рассом ва санъат ўқитувчиларининг ўзлари сўзларни ўз соҳаларида кўп ишлатишларига қарамай, студия ва санъат хоналарида сўзлардан фойдаланишга қарши огохлантиришларига кулоқ тутишимиз ва эътибор беришимиз керак. Улар биринчи навбатда визуал нарсаларни оғзаки тил орқали изҳор қилиб бўлмаслигини таъкидлашади. Бунинг ўзагида ҳақиқат мавжуд.

Аниқ тажрибаларга кўра, Рембрандтнинг мой-бўёқли асарларини фақат қисман тушунтириб ва таърифлаб бўлади. Бироқ бу чеклаш фақат санъат асарларига эмас балки барча тажриба объектларига тегишли.<sup>3</sup> Котибанинг ўз иш берувчисига берган оғзаки портретида, шифокорнинг ўз беморининг қалқонсимон безига берган таърифида бир неча конфигурацион туркум мавжудлигини таърифлаб ҳам тушунтириб ҳам булмайди. Рассом алоҳида экземплярни тулик тасаввур қилишдек тушунча йўқлигини билади. Шунингдек у аллақачон яратилган нарсанинг нусхасини яратишга хожат йўқлигини ҳам билади. Рассом умумэтирофдаги асарлардан ўзига олиш учун унинг категориясидаги шакл ва ранглардан фойдаланади. Унинг мақсади ноёблик ҳам унга ўхшатиш ҳам эмас. Унинг ҳаракатларининг натижаси у ишлаб чиқарган конкрет объектдир. Рембрандт асарларига қараганимиздаги бу дунё ундан бошқа ҳеч ким томонидан ҳеч қачон тасвирланган эмас; ва бу дунёга кириш, унинг алоҳида кайфияти, унинг соялар ва нурлари ҳаракатларини, инсонларнинг юз ифодалари имо-ишоралари, замонлар оша олиб ўтилаётган ҳаётга муносабатларини сезгиларимиз орқали қабул қилишимиз учун деган маънони англатади. Сўзлар кутиб тура олади ва кутиши керак, токи бизнинг онгимиз тиниклашгунча; тажрибаларнинг ноёблигидан аралашиб кетиши мумкин булган сезгиларимизнинг белгиланиб, ажралиб, тушунарли холга келгунича.

Санъат асаридан бундай умумликни олиш қийин иш, лекин принцип томонидан бошқа мураккаб жисмларнинг табиатини (масалан жисмоний ёки рухий жонзотларнинг кўриниши) баён қилиш ҳаракатларидан фарк қилмайди. Санъат - бу организмларнинг махсулоти ва балки шунинг учун организмларнинг ўзидан кўра мураккаброқ эмас. Биз санъат асаридаги аниқ фазилятларни кўриб хис қиламиз лекин уларни ифодалаш учун сўзлар

---

<sup>3</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-1

тополмаймиз ва бу ҳолат тез-тез такрорланиб туради.<sup>4</sup> Бу муваффақиятсизликнинг сабаби тил эмас балки биз қабул қилаётган фазилатларни ҳали мос тоифаларга бўлинмаганлигидадир. Тил бу ишни бевосита қила олмайди, чунки реал ҳаёт билан бевосита алоқаси йўқ, тилимиз фақат биз ўйлаган ёки кўрган, эшитган ёки хис этганларимизни ифодалаши мумкин. Бу, муҳитнинг ҳаётга яроқсиз дегани эмас, аксинча, бу сезувчанлик борасида тажриба бўлиб чиқади.

Лекин сезувчанлик тажрибалари ҳеч нарса англамайди. Шунга қарамай бу тажриба эълон қилинишдан олдин концептуал таҳлил билан кодланган бўлиши керак. Яхшики, сезувчанлик таҳлили жуда нозик ва узоққа бориши мумкин. Бу биздаги санъат асарини тушуниш чегараларини ва охиروқибат тушуниб бўлмасликни кескинлаштиради. Бошқа бир тушунча буйича, оғзаки таҳлил интуитив яратиш ва тушунишни тўхтатиб қўяди. Аввал айтганимиздек ҳақиқатнинг ўзаги шунда. Ўтмиш тарихи ва ҳозирги тажрибалар бизга бу борада кўплаб мисоллар ва рецептлар беради. Лекин биз санъат соҳасида идрокимиз кучини тўхтатиб турсак, бошқа сезгилар ишлаб кетади деб хулоса қила оламизми? Бу бузилишлар айнан ақл-идрок бир тарафлама ишлаётганда кузатилиши туғри эмасми? Инсоннинг нозик импульслари баланси унга тўлақонли яшаб, ишлаб юришига имкон беради, лекин бу баланс фақатгина идрок интуицияга ҳалақит бергандагина эмас, ёлгон, нотуғри фикрлашлар сезилганда ҳам бузилиши мумкин. Ноаниқ текширишлар қоидаларга кўр-кўрона риоя қилишдан кўп нарса бермайди. Назоратсиз ўз-ўзини таҳлил зарарли бўлиши мумкин, лекин инсоннинг сунъий примитивизми буни қандай қилиб ва нима учун ишлаётганини тушунишни хохламайди. Замонавий одам мисли кўрилмаган ўз-ўзини англаш билан яшаши мумкин ва шундай бўлиши керак. Балки ҳаёт вазифалари қийин ва мураккабдир, аммо бундан бошқа йўл йўқ.<sup>5</sup>

Бу китобнинг мақсади кўринишларнинг баъзи фазилатларини муҳокама қилиш ва шу билан бирга уларни янгилаш ва йўналтиришдир. Эсимда, санъатга жалб этилганимда, унинг табиатини ва тарихини ўргандим, рассомлар, санъатшунослар, санъат ўқитувчилари даврасини изладим, кўлларим ва кўзларим улардан илм ўрганди. Менинг бу қизиқишим психологик тадқиқотларим билан мустахкамланди. Психология соҳасини айтмаганда ҳеч ким ҳеч қачон санъатнинг яратилиш жараёнини ички кечинмаларини муҳокама қилмаган. Баъзи санъатшунослар психологларнинг изланишлари натижаларидан фойдаланишади. Бошқалар эса буни бир томонлама ёки нима қилаётганларини тушунмай қўллашади; аммо уларнинг ҳаммаси иложсиз психологиядан фойдаланишади- замонавий, ўзлари ўйлаб топган ёки ўтмишдан қолган назариялар шулар жумласидандир. Бошқа томондан баъзи психологлар санъатга профессионал қизиқиш билан ёндашадилар. Лекин адолат билан айтишимиз мумкин, улар биз учун

---

<sup>4</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-1

<sup>5</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-2

ахамиятли бўлган нарсанинг фақатгина бир қисмини тушунтириб бера олишади. Чунки психологлар биринчи ўринда бадий санъатга қизиқишларининг сабаби уларнинг бу нарсини асосан инсон шахсини ўрганиш учун қўлланма сифатида фойдаланишларидадир, худди бу савол-жавоб тестидан фарқ қилмаганидай. Ёки улар ўлчаб ва санаб бўладиган нарсаларга ёндашувларини чеклаб экспериментал, клиник ёки рухий амалиётлардан концепциялар тузишади. Балки бу эҳтиёт чораси керакдир, чунки санъат хар қандай ўрганилаётган бошқа объект каби чуқур билим ва сабр талаб қилади.<sup>6</sup>

Яхши санъат назариясидан студия хиди келиб туриши керак, лекин ундаги тил рассом ва хайкалтарошларнинг маиший суҳбатининг тилидан фарқ қилиши керак. Бу ерда менинг ишим кўп жиҳатдан чекланган. Бу асосан визуал маълумотга қарашли, яъни рангтаъсир, графика, хайкалтарошликка. Бу эътибор умуман олганда ихтиёрий эмас. Анъанавий санъат энг буюк ва юқори сифатли сон-саноксиз турли мисоллар тўплаган. Улар онгнинг аниқлиги билан шаклларнинг жиҳатларини кўрсатиб беришади, бу намоишлар худди шундай лекин юмшоқроқ ҳолда бўлган ходисаларни фотографик ва театр санъатида кўрсатиб туради. Аслида ҳақиқий текширишлар йигирманчи-ўттизинчи йилларнинг филларида психологик ва эстетик таҳлил ўтказилганда юзага келган. Менинг ишимдан яна бир чекланиш бу психологиядир.<sup>7</sup> Ақл идрокнинг мотивацион жиҳатлари санъатда туғилади. Жамиятда рассомнинг ўрни, бошқа инсонлар билан муносабатлари, уларга таъсири, ижодий фаолияти функциясида ақлнинг ўз ишини бажаришга интилиши, буларнинг ҳеч бири бу китобнинг марказида эмас. Истеъмолчи психологиясидан мен манфаатдор эмасман. Умид қиламанки ўқувчи бу ерда учрайдиган бой образлар, шакллар, ранг ва ҳаракатлар билан ўзини тақдирлагандек ҳис қилади. Бундай хаддан зиёдликда қандайдир тартиб ўрнатиш мақсадида баъзи тамойилларни юзага чиқаришда, морфология ўрнатишда бизга кўп нарса беради. Бизнинг биринчи вазифамиз, биз кўриб турган турли нарсаларни таърифлаш ва сезувчанлик механизмидаги факторларни ҳисоблаш. Аммо юқори даражада қолиш учун жараёни кескин тўхтатиш керак. У ерда визуал шаклларнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Худди шунинг учун биз доимо тахминий моделлар бераётган маънодан келиб чиқиб жуда узоқдаги объектни кўриш учун бор кучимизни сарфлаймиз, йўқотилган тубсизликни қайтаришга умид қиламиз, горизонтни қисқарганидан кейин йўқотилганларни кўришга ҳаракат қиламиз. Менинг психологик назариям тамойиллари ва мен куйида келтирадиган тажрибаларимнинг кўпчилиги гештальт психологияси дисциплинасидан келиб чиқади; бу ерда унинг психотерапиянинг ҳеч қандай формасига алоқаси йўқлигини айтиб ўтиш лозим. Гештальт сўзи немис тилидан олинган бўлиб бизнинг асримиз бошларидан илмий тамойилларда ишлатилиб келинади, улар сезгиларни қабул қилинишидаги тажрибаларда ишлатилган.

---

<sup>6</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-2

<sup>7</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-3



Одатдаги визуал идрокни қабул қилиши борасидаги билимларнинг асоси, гешталът психологияси лабораторияларидан чикиб келганлиги умумий тан олинган нарса; менинг шахсий шаклланишим ва ривожланишим, теория ва амалиётим шу мактабда утган. Аникрок айтадиган бўлсак гешталът психологиясининг тугилиши санъатга боглик.<sup>8</sup>

Макс Вертхаймер, Вольфганг Келлер ва Курт Коффкнинг асарлари санъат билан туйинган. Хамма ерда санъат хақида гапирилади, бу одамларнинг бахс мунозараларидаги рухий холатдан рассом узини уз уйиданидек хис килади. Олимлар томонидан энг табиий ходисалар етарлича баён килинмаган ва булакларга булиниб тахлил килинмаган, аслида эса реалликнинг бадий тасаввурини эслатиш керак холос. Алохида кисмларнинг усиши билан эришиб булмайдиган бутунлик рассом кузатмокчи булган нарса эмас. Асрлар давомида олимлар механикадаги алокаларни тасвирлаш оркали реаллик хақида кимматли нарсаларни айтиб келишган. Лекин интеграциялашган тузилмани бутунлигича тасаввур кила олмайдиган онг билан хеч қачон санъат асарини тушуниб ёки яратиб булмайди.<sup>9</sup>

Геншалът назариясига ном берган Христиан вон Эренфельс уз маколасида шуни таъкидлаб утадики, ун иккита кузатувчи мусиканинг ун иккита тонидан биттадан эшитиб, килган хулосаларининг йигиндиси, мусикани бутунлигича эшитган битта кузатувчининг хулосасига мос келмайди. Геншалът теоретикларининг кейинги тажрибаларининг кўп кismi элементнинг куруниши умумий намунадаги унинг жойлашиши ва функциясига боглик эканлигини курсатиш учун утказилган. Мулохазали одам бу тадқиқотларни оддий далолатномада куруниб тўрган бирлик ва тартибга фаол интилиши билан завкланмай укий олмайди. Сенсор элементларнинг механик ёзувидан узок булган куриш кобилияти, аслида гузал образли, ижобий сезгир реалликни ижодий тарафдан қабул қилишга кумаклашади. Бу билан аллома ва рассомларнинг онгини бошқалардан ажратиб турадиган сифатлари маълум булади. Психологлар хам бу фактнинг тасодифий эмаслигини англаб етишди; бир-хил тамойиллар хар-хил ақл идрок имкониятларига куллаб курилганида хамманинг онги бирдек фаолият курсатди. Ақл идрок эгаларининг ўйлашича барча мулохазалар интуиция ва кузатишлар ихтироларнинг тутилишига олиб келади. Бу фикрларнинг санъат теорияси ва амалиётида долзарблиги очик-ойдин. Энди биз рассомни бошқа инсонлар билан фаолиятида богликлиги булмаган, юкоридан сирли тарзда илхомланадиган бир одамови деб ўйлашади. Аксинча биз унинг юксак рухияти ва оддий кундалик хаётида катта санъат асарлари яратишини курамиз. Маълумот кидириш уз ичига шакл ва маъно топиш ва тасаввур қилишни камраб олган ижодий жараён булгани каби, рассомлик хиссини пайдо булиши бизнинг кимлигимиз ва қаердалигимизни тушунтиришнинг нозик усулидир. Шу пайтгача тажрибаларнинг хом ашёси кузготувчиларнинг

---

<sup>8</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-3

<sup>9</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-4

аморф йигиндиси булгани учун кузатувчи уни узи хохлагандай бемалол ишлатаверган.<sup>10</sup>

Аслида шаклнинг бутунлай субъектив сингдирилишига кура, санъаткор талаба бунинкор килиши мумкин, баъзи рассомлар узларининг тасаввурларидаги тасвирлари, образлари билан дунёнинг узларидан кейинги курунишига таъсир курсатишади. Аммо геншальт-таджикотларидан шу нарса маълум булдики биз тез-тез дуч келаётган вазиятлар узининг хусусиятларига эга, бу холат биздан хаммасини уз холича кабул килишимизни талаб килади. Дунёни кузатар эканмиз, объектлар хусусиятлари ва кузатилаётган ашёларнинг характерлари орасидаги боғликликни ва уйғунликни кураимиз. Тажрибада кузатилаётган бу объектив элемент, тасаввуримиздаги реаллик-нинг мувофиклик ёки номувофиклигини фарклашда узини оклайди. Бундан ташкари барча мувофик концепциялардан кутилганидек, хақиқатнинг умумий ядросини уз ичига олган, хамма замон ва маконларда санъатни потенциал хамма инсонларга тегишли килиши мумкин.<sup>11</sup> Агар лабораторияда мукамал тузилган линияли фигура кузатувчиларига курсатилса, уларнинг хаёлига бир-хил образ, шакл курунади; маданий келиб чиқишлари ухшаш, индивидуал шахсларга, тасаввур ва хаёлий бирлашмалардан холи пайтларида бир санъат асари курсатилса, принцип буйича улар бир-хил образ куришлари кутилади. Бадиий баённоманинг объектив реаллигига ишонч, субъективизм ва релятивизм зулмати захридан доридай зарур. Нихоят бу фойдали дарсдан куруниб турибдики, куриш қобилияти бизга элементларнинг механик ёзувини бера олмайди, лекин структур намуналарни англашда асосий роль уйнайди. Агар бу койда объектни кабул килишнинг оддий актига тугри келса у реалликка бадиий ёндошувга хам мос келади. Шубҳасиз, рассомнинг кузлари механик ёзув курилмасидан ортик нарса эмас. Объектни бадиий тасаввур килиш, унинг тасодифий пайдо булишида батафсил ва зерикарли транскрипция килиш жараёнидан ортик хисоблана олмайди. Бошқа сузлар билан айтганда бу ерда реал образлар хақиқий тасвирлардан узок булиши мумкинлиги фактига илмий ухшашлик келтирилган. Бу ухшаш хулосалар санъат таълим соҳасида бир-биридан мустакил булган ҳолда кашф этилгани мени рағбатлантирди. Густав Бритшанинг назария ва гоюларидан илхомланган Генри Шефер-Зиммерн, рассомнинг ижодий жараёни буйича амалий кулланмалар ишлаб чиқишда жуда кўп меҳнат килган. Уз таджикотларида хақиқий реалликни тушунишдаги мулоҳазалар ривож (ўзининг логик эволюциясида) оддий, тушунарли моделлардан мураккабликка қараб ривожланишини исботлади. Геншальт тажрибаларида маълум тамойиллар генетикада хам уз далилини топди. Ушбу китобнинг IV бобида келтирилган психологик интерпретация жараёнининг усиши талқини, бутун умрини тажрибалар ва уқитувчиликка сарфлаган Шефер-Зиммерннинг

<sup>10</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-4

<sup>11</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-5

назариясига суянади. Унинг ишлари, хусусан, "бадий фаолиятнинг ривожини" асари шуни курсатадики, умри давомида рассомлик килиш бир неча иктидорли мутахассислар учунгина эмас, балки табиат бир жуфт куз ато этган хар-бир акли расо одам учун мумкиндир.<sup>12</sup>

Психологияда санъатни ўрганиш инсонни ўрганишнинг ажралмас кисмидир. Олим-сафдошларим мендан ранжишларини билганим ҳолда, бир тарафлама телбалик билан уз тамойилимни олдинга сураман. Кисман шунинг учунки, ёнгина карши эҳтиёт зиналарининг урнатилиши, ён эшиклар, эҳтиёт жавонлари, кутиш залларини нокулай тарзда катталашиб ориентациянинг йўқотилишига олиб келади, бундан келиб чиқадики баъзи бир алохида холларда уз нуктаи назаримни оддийлаштириб, концепциямни кейинги ишловга тайёрлайман. Мен санъат соҳасида билимим етарли эмаслиги учун санъатшунос тарихчилардан узр сурамоқчиман. Хозирги вақтда эҳтимол, тасвирий санъатнинг визуал назарияси билан тегишли психологик назария уртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишга ҳеч кимнинг етарлича кучи йўқдир. Агар бир-бирига боғлиқ, лекин бир-бири учун яратилмаган икки предметни бир-бири билан бирлаштирсак бундан нокулайлик ва боғлиқсизлик келиб чиқади. Мен исбот қила олмаган жойимда тахмин ишлатишга, бошқаларнинг гувоҳлигига ишона олмаганимда уз кузларимга таянишга мажбурман. Мен тизимли ўрганишни талаб қилаётган муаммоларни курсатишга ҳаракат қилдим. Вахоланки, ҳаммаси бажарилиб ва айтилиб булингандан кейин мен узимни, "Бу китоб, сувга тур отишдир, хусусан, тур ичига тур отишдир" деб хитоб қилган Герман Мелвиллнинг урнида ҳис қилдим. О, бу Куч, Вакт, Пул, Сабр! Бу китоб хар бир одам томонидан курса буладиган нарсаларга бағишланган.<sup>13</sup> Мен санъатшунослик ва эстетика адабиётига менга ва талабаларимга яхшироқ куриш қобилиятини бергани учунгина ишонч билан таянаман. Мен кераксиз ва мақсадсиз ёзилган асарларни уқиб қарахтликка тушган укувчиларимга ёрдам бермоқчиман. Бу китобни ёзишимнинг сабабларидан бири шуки, одамларнинг кўпчилиги, менинг фикримча, кузни камаштирувчи ноаниқ суз уйинларидан, тузгиган эстетик концепциялардан, ёлгон илмий курсаткичлардан, майда-чуйдаларни мураккаблаштиришлардан чарчаган. Санъат дунёдаги энг аниқ нарсалардан биридир ва уни кўпроқ билишни хоҳлаганларнинг онгини чалқаштиришга ҳеч қандай асос йўқ. Баъзи укувчилар учун бу ёндашув тушунарсиз қуриниши мумкин. Бу китобдан қандай фойдаланиш ҳақидаги эҳтиёт тартиблар булиши мумкин. Яқинда мен Дартмут коллежи укутувчисининг "Арнхейм хурмати" деб номланган конструкция намоёиш қилганини мамнунлик билан маълум қиламан.<sup>14</sup>

У ерда 10та бир-хил сичконтутгич бир катор қуйилган. Пишлоқ қуйилиши керак булган жойга, у, китобнинг унта бобининг номини ёзиб

---

<sup>12</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-5

<sup>13</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-6

<sup>14</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-7

куйди. Агар бу дархакикат огохлантириш булса, у нимадан огохлантирмоқчи.

Бу китоб дархакикат тузук булиши мумкин, агар санъат асарини якиндан ўрганишга кулланма сифатида ишлатилса. Музейда болалар гурухига бошчилик килаётган уқитувчини кузатган хар-кандай одам, унинг иши накадар кийинлигини тушунади. Илгари музейга ташриф буюрганлар бир предметга бор диққатларини бериб, санъатдан узоклашишган. Танқидчилар эса бир предметга узок вақт тикилиш, бу, саводсизлик белгиси деб уқтиришган. Шу пайтдан бошлаб санъатшунослар расмий муносабатлар ҳақида ваъзхонлик кила бошлашди.<sup>15</sup> Уларнинг бу ваъзхонликлари санъатдан йироқлашишнинг яна бир усули эди холос. Мен аввал ҳам таъкидлаганимдай, визуал шаклларда улар бизга айтганидан бошқа ҳеч кандай маъно йўқ. Энди тасаввур килинг, уқитувчи бу китобдаги методларни жуда юзаки тарзда, санъатни ўрганишда кулланма сифатида ишлатса. "Энди, болалар, Матисснинг суратида нечта кизил дог борлигини курайлик!". Биз мунтазам равишда ҳамма доира шаклларнинг хисобини ва ҳамма бурчакларнинг саногини ўрганишда давом этяпмиз. Биз параллел чизиклар, ер ва ойнинг суперхोलатини кидиришда давом этяпмиз. Юкори синфларда биз градиентлар тизимини кидирамиз. Ҳамма элементлар тартибга келтирилганда биз ҳакконий иш қилганимизни хис қиламиз. Бу амалга оширилиши мумкин булган иш ва шундай килинган ҳам, лекин бу геншалът психологияга ёндошувга охирги уринишдир. Агар қимдир санъат асари билан танишмоқчи булса, у асарни борича қабул қилиши керак. Бу узи нима? Шакллар динамикаси, ранглар қайфияти нима узи? Биз бир элементни ўрганиш пайтида умумий қуринишни йўқотиб қуймаслигимиз керак. Биз ҳаммасига боғлиқ булган мавзуни изляяпмиз. Биз бир асарни ўрганишда у ҳақида иложи борича ҳамма нарсани билишга, ўрганишга ҳаракат қиламиз, рассом иш жараёнида буни эътибордан қочирмаслиги керак. Бутун тузилмани диққат билан ўрганарканмиз, биз унинг асосий хусусиятларини топишга ва қарам жисмлардан устун жисмларни ўрганиб чиқишга уринамиз. Аста-секин ҳамма нарсалар уз жойига тушиб, иш жараёни бутун бойлигини ошқор этаркан, бу асар бизнинг фикру-хаёлимизни узига жалб қилади. Айнан шунинг учун ҳам рассом ишлайди. Лекин инсон табиатида шу нарса борки, у қуриб тўрган нарсасини аниқлашни, нима қилаётганини қуришни хоҳлайди. Бу ерда тақдим етилаётган китоб сиз учун фойдали булиши мумкин. Визуал категорияларни аниқлаб, бош тамойилларни ўрганиб ва таркибий алоқаларни ишда қурсатган ҳолда расмий механизмлар ҳақидаги тадқиқотнинг мақсади ички хисни алдаш эмас, балки уни уткирлаб мустаҳкамлашдир.<sup>16</sup>

---

<sup>15</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-7

<sup>16</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-7

## 1.2. Квадратнинг яширин тузилмаси

Қора картондан диск кесиб олинг, уни ок квадрат ичига жойланг (1-расм). Диск жойлашувини майдонни ўлчаш йўли билан аниқлаш ва изохлаш мумкин. Дискдан квадратгача масофани сантиметр билан улчаш мумкин. Шундай қилиб, диск марказдан четда ётибди деган хулоса чиқарамиз (1 расм). Бу натижанинг ажабланарли ери йўқ. Аслида бир қарашда кузга ташланган нарсани улчашнинг кераги йўқ эди. Бундай "қуриш" амалда қандай бажарилади? Балки биз аввал диск билан чап киргоч куз улчамини бошқа тарафники билан солиштириб қураимиз? Балки, ундай эмасдир. Бу энг самарали услуб эмас. Расмга диққат билан қаранг! Балки бу дискнинг ассиметриясини андозаларда иллагандирмиз. Биз дискни квадратдан алоҳида ҳолатда қурмаганмиз.<sup>17</sup>



Уларнинг майдондаги боғлиқликлари биз бутун қураётган нарсанинг қисмларидир. Бундай релятив қузатув сенсор тажрибаларнинг ажралмас қисмидир. "Менинг унгу қулим чапидан қучлироқ", "бу байроқ устуниқийшиқ", "пианино носоз", "бу қакао сорти бошқасига қараганда яхшироқ". Хар қандай объект, хоҳланг у туз доначаси булсин, хоҳланг баланд тоғ, хар бирининг уз ахамияти, улчами бор, яъни хар бирининг улчами шкаласи бор. Агар рангларнинг улчам микёсини оладиган бўлсак, бизнинг ок квадрат энг юқорида, қора диск эса анча пастда ётади. Худди шундай, хар бир объект уз жойига эга. Сиз уқийётган қитоб бир нуқта бўлиб, у хонанинг деворлари, ундаги объектлар ва ашёлар орасида уз жойига эга. Улар орасида аввало сиз борсиз. Хеч қандай ашё алоҳида қабул қилинмайди. Сезиш, қабул қилиш хар бир ашёга тизимда уз жойини аниқлаб беради; унинг жойлашуви, рангининг тони, масофасининг улчамига мос. Улчамлар ва визуал қарорлар орасидаги фарқни биз аввал ҳам эслаб утганмиз. Биз улчамларни, масофа ва йуналишларни алоҳида-алоҳида қуриб чиқиб, сунгра солиштирмоқчи эмасмиз. Одатда, биз бу хусусиятларни умумий майдонда ҳам қуллаймиз. Яна шундай муҳим бир фарқ мавжуд. Суратларнинг қуз орқали қабул қилинган турли хусусиятлари статик эмас. Диск майдон марказига нисбатан оддийгина силжиб қолган эмас. Бунда қандайдир безовталиқ бор. Унинг бу қуринишида марказга қайтиш хоҳиши ҳам, марказдан янада узоклашишга мойиллик ҳам қуринади. Дискнинг квадрат четига муносабати итарилиш ва тортилиш уйинига ухшайди. Визуал тажриба динамик ҳисобланади. Қитобда бу мавзу яна қайта зикр қилинади. Инсон ёки жонивор объектнинг фақатгина жойлашувини эмас, балки ранг ва шаклини, ҳаракат ва улчамларини ҳам қуриб қабул қилади. Бу, эҳтимол, энг аввало йуналиш ва қучланишнинг узаро таъсиридир. Бу қучланишлар статик тасвирларга қузатувчилар хоҳиши билан қушилмаган. Қабул қилаётган объектнинг ранг, шакл, жойлашуви,


<sup>17</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-10

улчами каби кучланиш хам унинг хусусиятидир. Чунки уларда йуналиш ва улчам бор, ва бу кучланишни психологик куч сифатида таърифлаш мумкин. Яна шунга эътибор берингки, диск марказга интиляётганда, у мавжуд булмаган нарсага тортиляпти. 1 расмдаги марказ нуктаси белгиланмаган. У шимолий кутб ёки экватор каби куринмас булгани билан, биз кураётган расмнинг ажралмас кисмидир, у хам кучнинг куринмас фокус нуктасидир.<sup>18</sup>

Электр токларнинг узаро индукцияга учрагани каби, бу нукта хам шу холатда. Кузнинг тур пардасига таъсир киладиган бундан бошқа нарсалар хам бор. "Индукцияга учраган тузилмаларнинг" мисоллари кўплаб топилади.

Охиргача чизилмаган доира тулик чизилган синик доирадек куринади. Марказий перспективада чизилган расмнинг чегараси бир бири билан тукнашган чизиклар билан белгиланиши мумкин (тукнашув нуктаси куринмаган булса хам). Мусика урнига индукциядаги мунтазам ритмни "эшитиш" мумкин, бундан кискартирилган тон четлашади, шунингдек диск хам марказдан кочади. Бундай сезувчанлик индукциялари мантикий хулосалардан фарк килади. Хулоса такдим этилган визуал фактнинг "таржимасидан" кейин келиб чикади. Сезувчанлик индукциялари - бу олдин олинган билимда асосланган кушимча. Квадрат каби сезиларли фигура бир вақтнинг узида хам тулакони, хам буш, хам мазмунли, хам мазмунсиз куринади. Марказ - бу мураккаб яширин тузилманинг бир кисмидир, уни диск ёрдамида ўрганиш мумкин (худди металл кукуни магнит майдони кучи линияларини қайтаргандек). Агар дискни навбати билан квадратнинг хар хил жойларига кучирсак, унинг баъзи холатларда баркарор булиши, бошқа холатда эса маълум бир йуналишда кескинликни курсатади. Баъзан унинг холатида иккиланиш ва ноаниклик кузатилади. Дискнинг энг баркарор холатини унинг маркази квадратнинг марказига тўғри булганида кузатиш мумкин.

2 расмда диск контур чегарасига, чапга силжиганини кураимиз. Унинг бу эффекти ундан узоклашганда узгаришини кузатамиз. Масалан, биз шундай масофани топишимиз мумкинки унда диск узини ушлаб тўрган контур чизиклар ичидан чикиб кетмокчидек куринади. Бундай холатда диск билан квадрат чегараси орасидаги буш майдон сикилиб колгандек, унга "нафас олиш" учун хаво керакдек. Хар кандай бушликдаги объектлар орасидаги масофани интуитив тарзда куз улчам билан хисоблаш мумкин.<sup>19</sup>




<sup>18</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-11

<sup>19</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-12

## 2 расм

Рассомлар ва хайкалтарошлар уз асарларини яратаётганларида бу холатга алохида эътибор беришади. Дизайнерлар ва архитекторлар доимо бинолар, ойналар, мебел жихозлари уртасида "тўғри" масофани кидиришади. Бу визуал кузатувларнинг шароитларини янада мунтазам равишда ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ булар эди.

Норасмий кузатишларнинг курсатишича, диск нафакат квадратнинг маркази ва чегараси таъсирида, балки хочсимон рамканинг марказий горизонтал ва вертикал узаклар ва диогоналлар таъсири остида ҳам булади. Марказ, яъни тортилиш ва итарилиш бош локуси узини шу туртта асосий тузилмавий чизик оркали урнатади. Чизикдаги бошқа нукталар марказга караганда тортиш таъсири кучсизрок, лекин тортиш кучи таъсири улар учун ҳам шу йул билан белгиланади. 3чи расмда курсатилган андоза квадратнинг тузилмавий скелети деб номланади. Кейин курсатилишича скелетлар расмнинг бир булагидеб тушунилади. Диск қаерда жойлашган булмасин, унинг кучи тузилмавий факторларга буйсунади. Нисбий куч ва масофа бу факторларнинг умумий конфигурациясини аниқлаб беради.<sup>20</sup>



## 3 расм

Марказдаги ҳамма кучлар бир-бирига тенглашади ва шундан келиб чикиб тинчлик холатига утади. Бошқа шунга ухшаш тинчлик холатини дискнинг диогонал буйлаб харакати пайти кузатиш мумкин. Мувозанат нуктаси бурчакка якин етади, бу холат марказнинг бурчакка нисбатан кучлирок эканини билдиради. Бу нисбат бурчак билан марказ оралик масофаси билан улчанади. Бу ортикча вазн узок масофа билан тулдирилади, худди бурчак ва марказда хар хил турдаги магнитли кучлар бордек. Умуман

<sup>20</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-13


олганда тузилмавий скелет характеристикасига тўғри келадиган ҳар қандай нукта мутаъдиллик элементини олиб келади. Албатта ушбу ҳолат бошқа факторлар таъсири остида кучини йўқотиши мумкин. Агар ушбу ҳолат йуналиши кучлироқ келса йуналишни узгартириш мақсадга мувофиқ. Қачонки диск марказ ва бурчак оралигида ҳаракатда бўлиб турса у доимий марказга интилиб туради. Ноаник нукталарда екимсиз ҳолат келиб чикса дискнинг йуналишини куз билан аниқлаб бўлмайди. Бундай катъиятсизлик визуал тасдиқлашни ноаник килиб, кузатувчининг аниқ фикр билдиришиги йул қуймайди. Бу тушунарсиз ҳолатда андоза кузатувчининг субъектив фикрлашига йул қуймайди. Агар рассом бундай ноаникликни хохламаса у бошқа йуналишли механизмларни кидириб топиши лозим булади. Бизнинг кузатишларимиз Стокгольм университетининг психология лабораториясида Гуннар Гоуд ва Инга Хджосберг экспериментлари билан текширилган.<sup>21</sup> Бу экспериментда диаметри 4см булган кора диск 46x46см булган ок магнитли квадратга котирилган дискни квадрат бўйича ҳар хил нукталарга ҳаракат килиш пайтида нукталарнинг ҳар қандай йуналишда ҳаракат килиш тенденцияси борлиги куриб чиқилди. Бу тенденциядан жой олган саккизта асосий йуналишнинг канчалик кучли эканини 4чи чизма натижаларида курииб турибди. Субъектларда кузатилаётган саккизта вектор ҳаракат йигиндиси курилади. Курииб турибдики бу эксперимент дискнинг ноаник ҳаракат динамикасини тасдиқламайди. Бу шуни курсатадики, субъектга бошқа йуналишли тенденция таклиф килинганда жавоблар тасодифий тарқалмайди, балки бизнинг тузилмавий скелетнинг асосий узаги бўйлаб жамланяпти. Квадратнинг чеккасига ҳаракат ҳам курииб турибди. Унинг атрофидаги нисбий мутаъдиллик марказга тортилиш пайтида куримайди. Бундай шароитда дискнинг жойланишини аниқлаб бўлмайди. Бу ерда муҳокама килинаётган курииб кучлари йуналишининг ҳақиқий силжиш динамикаси кучларидир. Агар 1чи расмга бир лахзага қаралса, шошилмай қараганга нисбатан диск марказга яқин куринадими? Бизнинг кузатишимизча физик ва психологик системалар мумкин булган энг паст тортилиш кучи йуналиши узгартиришда жуда умумий тенденцияга эга.

Вертгеймер курсатишича 93 градусли бурчак тўғри бурчакдай куригани билан бошқача изоҳланади. Экспозицияга қиска масофадан қаралганда кузатувчилар тўғри бурчакнинг нотўғри куринишда эканлигини тез-тез маълум қилишади. Ҳаракатдаги диск шуни курсатадики, визуал андоза оддий қолипдан кўпроқ нарса. Куз қабул қилаётган маълумотларга кура, кора чизиклар ва диск бу расмда мужассам. Сезувчанлик тажрибасида бу андоза тузилмавий скелет ташкил қилади. Бу скелет ҳар бир элементнинг тасвирий системадаги ролини аниқлашга ердам беради. Муסיқий шкала композициядаги ҳар бир тоннинг асосий маъносини аниқлаши каби у ҳисоб тизими бўлиб ердам беради. Бошқа тарафдан биз коғозга чизилган ок-кора расм билан чегараланмаслигимиз керак.<sup>22</sup>

<sup>21</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-14

<sup>22</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-15





4 расм

Расм билан яширин тизим, чизиклар панжарасидан кўпрогини келтириб чикаради. 3 чи расмда курсатилганидек сезувчанлик дарҳақиқат туганмас кучга эга. Бу ҳар иккала йуналишда ҳам тизма кияликларини келтириб чикарадиган динамик ландшафтдир. Бу тизмалар итарилиш ва тортилиш кучларининг марказлари бўлиб, уларнинг таъсири расм чегараси орқали уларнинг ички ва ташки мухитига тарқалади. Расмнинг бирор бир нуктаси бундан холи эмас. Албатта "тинчлантирувчи" доғлар ҳам бор, лекин уларнинг барқарорлиги ва тинчлиги фаол кучларнинг йўқлигидан дарак бермайди. "Улик марказ" мавжуд. Бир йуналишда тортилиш сезилмайди, чунки ҳар тарафга тортилиш мувозанатни саклаб туради. Сезгир кузлар учун мувозанат нуктасида ҳам кучланиш мавжуд. Тасаввур килинг, ҳаракатсиз осилиб тўрган арконни икки одам бир хил куч билан Карама-карши томонга тортяпти. Аркон ҳаракатсиз қолгани ҳолда қувватга туляпти. Қисқаси, худди тирик организм анатомиясида булгани каби, куз билан қуриш тажрибасида ҳар бир улчам, масофа, бурчак градуслари, узунликлар ва ранг тонларини аниқ терминлар билан ифодалаб бўлмайди. Бу улчамлар мавжуд дунедан кузга жунатилаётган маълумотларни аниқлайди. Сезувчан одамнинг ҳаёти, узини ифодалаши ташки дунени қабул қилиши кучларига қарам. Қозғалган ҳар қандай чизик, лой бўлагидан ясалган ҳар қандай жисм худди кичик сув хавзасига ташланган ҳарсанг тош қучига эга. Бу тинчликни ва атроф мухитни нотинч қилади. Амалдаги сезувчанлик қузатилади.

Сезувчан кучлар нима?

Уқувчи балки "кучлар" термини ишлатилишидан ҳавотирдадир. Бу кучлар фақат расм, суз ва рақамларда борми еки улар реал мавжудми? Агар улар мавжуд бўлса улар қерда? Тахмин қилинишича улар ҳар иккала, яъни психологик ва физик соҳаларда ҳам мавжуд. Ҳар қандай дискка тикилган одамнинг тажрибасида бу тортилиш қучи мавжуд. Бу тортилиш ҳужум қучларига, йуналиш ва интенсивликка эга, бу яратилган шарт-шароитлар физик қучларни қониктиради. Шунинг учун психологлар ҳам психологик қучлар ҳақида гапирадилар, шунга қарамай ҳозирги қунда жуда қамчилик бу терминни ишлатади. Қайсидир маънода бу қучларнинг фақат тажрибада эмас, балки жисмоний дунеда ҳам мавжуд деб ҳисобласа бўлар.

Албатта улар биз кураётган объектларда, масалан когозга чизилган квадрат еки дискда мавжуд булмаслиги мумкин.<sup>23</sup>

Албатта молекуляр гравитацион кучлар бу объектларда фаол мавжуд, ва уларни бир жойда ушлаб туриб уларни атрофга таркалиши олдини олади. Лекин хозирги кунда квадратнинг марказига эксцентрик холатда жойлашган сиех догини итарадиган физик кучлар номаълум. Шунга ухшаб когоз юзасига сиехда чизилган чизиклар магнетик куч куллашадими? Қаерда бу кучлар? Биз бу саволга жавоб беришимиз учун кузатувчининг квадрат ва диск ҳақидаги маълумотни кандай олганини эслашимиз лозим. Баъзи акс нурлар куз линзасини коплаб куз тубида ва тур пардасида тупланади. Тур пардасида жойлашган кўплаб кичик органлар рецепторлари нерв хужайралари оркали гурухларга бирлашади. Бу гурухлар ердамида визуал шаклларнинг биринчи оддий тузилмаси тур пардасининг стимуляциясида якиндан иштирок этади. Электрохимевий маълумотларни миядаги охирги манзилига етиши жараенида, улар тугал шакллантирилади ва умумий бир куриниш холатига келтирилади. Бизнинг сезувчанлигимиз бу мураккаб жараеннинг кайси боскичида куч олади ва бу ерда бизнинг билимларимиз доирасидан ташкаридаги механизмлар ҳақида гап кетяпти. Аммо лекин окилона тахмин килсак, асаб тизимидаги визуал тажрибанинг хар бир жихати физиологик асосга эга бўлиб умуман олганда миядаги бу жараеннинг табиийлигини билдиради. Биз буни атроф мухитда булаётган жараен деб таъкидлашимиз мумкин. Бу шуни билдирадики бир жойда булаётган жараен кисмлар ва бутун жисмларнинг узаро боғликлиги билан белгиланади. Агарда бу бошқа нарса бўлганда хар хил индукциялар тортилиш ва итарилиши, визуал тажрибаларнинг соҳасида булиши мумкин эмас эди. Кузатувчи визуал андозалардаги турткиларни ва кучланишларни кабул килаётган объектнинг табиий хусусиятлари сифатида куради. Бир карашда у эксцентрик дискнинг безовталигини китобдаги жисман мавжуд нарсалардан фарқлай олмаганидек, туш билан галлюцинацияни фарқини сезмайди. Сезувчанлик кучларини "хаелот" деб аташимиздан катъий назар бу уларнинг ҳақиқий компонентлар экани ҳақида савол келиб чиқади. Бу кучларнинг холстдаги ранг буюкларда бор еки йўқлиги рассомни безовта килмаслиги керак. Рассом мавжуд нарсадан яратаётган ижод махсули бу унинг тажрибаси. Биз куз билан куриб кабул килаётганимиз, бу тайер ижод махсули, ранг буюклар эмас. Агар расмда девор вертикал холатда тасвирланса биз уни шундайлигича кабул киламиз, агар тасвирда ойна ва йулак курсатилса бу одамнинг йулакдан утиб кетиши мумкин дегани эмас.<sup>24</sup>

Агар одам бизнинг дискни итараетган кучни мотор сифатида ишлатса бу кучлар иллюзия булади. Тасвирий сезувчанлик учун бу реал кучдир.

Квадратдаги икки диск.

Вазиятни мураккаблаштириш учун биз расмга иккинчи дискни киритамиз (5расм). Натижаси кандай? Энг аввало диск ва квадратнинг илгари ҳам

<sup>23</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-16

<sup>24</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-17

кузатилган ҳолати куринади. Дисклар бир-бирига яқин етганда улар бир-бирига тортилатгандек ва булинмас нарсасдек. Маълум бир масофадан каралганда эса улар бир-биридан итарилади, чунки улар бир-бирига жуда яқин. Квадрат ичидаги дискларнинг улчами ва жойлашиш эффеќти уларга каралаётган масофага боғлиқ. Дискларнинг жойлашиш нуќтаси уларни бир-бирига нисбатан тулдиради. 5а расмдаги ҳар иккала дискнинг жойлашиши узича тулик эмас. Биргаликда улар тинчлик ҳолатида тўрган ва бир-бир ига симметрик жойлашган жуфтликдир. Шунга карамай бу жуфтлик бир-бирига нисбатан жойидан силжитилганда тулик булмаган образ яратади (5б расм). Бизнинг тузилмавий картамиз тахлили буни тушунтира олади. Дисклар улчам ва формада ухшаш булганлари ва квадратда узлари елгиз булганлари боис жуфтлик ҳосил қилишади. Жуфтлик булганлари боис улар симметрик ва функцияси тенг курилади. Лекин бу сезувчанлик тахлили жуфтлик жойини узгартирган ҳолатда бошқаси билан карама қаршиликка дучор келади.<sup>25</sup>



5 расм

Пастки диск бизга маълум квадратнинг марказида барқарор ҳолатда етибди. Юқори дискнинг барқарорлиги камрок. Шундай қилиб уларнинг квадрат ичида жойлашиш нуќталари уларнинг зид симметрик фарқини курсатади. Бу ҳал қилинмас дилеммадир. Томошабин узини икки мос келмайдиган тасавурлар орасида куради. Мисол курсатадики ҳатто жуда оддий визуал андоза атроф муҳит тузилмасига тубдан боғлиқ ва шакл билан жойлашувлар бир-бирига зид булганда бу ноаниқ безовталиқ келтириб чиқаради.

### 1.3. Психологик ва жисмоний баланс.

Биз баланс еки мувозанат деганда нимани тушунишимизни аниқ айтиш ваќти келди. Агар биз санъат асарида барча элементларни тўғри таксимлаб, баланс ҳолатига келтиришни талаб қилсак, биз баланс ҳолатига қандай эришиш мумкинлигини билишимиз керак. Бундан ташқари укувчи баланснинг талабини алоҳида услубий, психологик еки ижтимоий афзалликдан бошқа нарса эмаслигига ишонади. Баъзи одамлар балансни саклай олади баъзилари эса йўқ. Унда нима учун тасвирий расмларда баланс

<sup>25</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-18

булиши зарурий сифат саналади? Физиклар учун баланс танага таъсир килаётган кучларнинг бир-бирини урнини тулдириши ҳисобланади. Баланснинг энг оддий шаклига карама-карши кучларнинг тортилиши билан эришилади. Визуал баланс учун ҳам таъриф мавжуд. Жисмоний тана каби хар-бир чекланган визуал андоза суянч нуктасига еки огирлик марказига эга. Энг нотўғри шаклдаги жисм ҳам мувозанатнинг жисмоний таянч нуктасида уз мувозанатини саклай олади, шунинг учун визуал расм маркази синов ва хатоликлар йули билан аникланиши мумкин. Денманн Росс фикрича бу нуктани аниклашнинг энг осон шундаки, рамка ва андозанинг умумий мувозанат нуктаси топилгунга қадар рамкани андоза атрофида айлантириш керак. Кейин рамканинг маркази расмнинг вазн маркази билан бир вақтда тўғри келади. Бизга маълум булган энг самарали ҳисоб услубларини кузнинг сезгир интуитив ҳиссига алмаштириш мумкин. Бизнинг олдинги тахминимиздан келиб чиқиб, асаб тизимидаги жисмоний кучлар бир-бирини тулдириб тўрган ҳолатда куз сезгирлиги балансни сезади. Деворга илинган ҳолст огирлигининг визуал маркази бармоқда балансировка қилингандан кейинги топилган мувозанат нуктаси билан яқин. Куриб тўрганимиздек девордаги ҳолстнинг вертикал илиниши унинг визуал огирлигининг тақсимланишига таъсир қурсатади. Шу тариқа арконга осилган хайкал қисмининг визуал марказини аниқлаб булмайди.<sup>26</sup>

Бу ерда яна вертикал ориентация маъно касб этади. Яна санъат асари еки хайкалнинг очик жойда тўргани билан арка еки тоқчада тўргани орасида фарқ булади. Яна бошқа бир фарқ борки у жисмоний ва эквилибрик қабул қилишдир. Бошқа тарафдан суратдаги раққос қулай ҳолатда суратга олинганига карамай мувозанатини йўқотгандек қуринади. Яна бошқа ҳолатда модель жуда ноқулай ҳолатда тўрганига карамай хайкал хар тарафлама мукамал мутаносиб чиқади. Хайкал ташки қуринишидан мувозанати яхши булишига карамай унга уни вертикал ушлаб турадиган ички қарқас керак булади. Урдак бир оегиди қийшиқ тўрганича осойишта ухлаши мумкин. Бундай кўпфирлиқ улчам, ранг, йуналишдаги ҳаракат каби факторлар сабаб қулиб чиқади ва визуал балансга нисбатан таъсир қилади. Масҳарабоз жисмонан тўғри ривожланган танага ва вазнга эга булишига карамай унинг бир тарафи қизил бошқа тарафи қуқ қийими уни қузга ассиметрик қуринишда қабул қилдиради. Суратда объектга жисмонан боғлиқ булмаган нарса, масалан орқа фонда-ғи парда суратдаги одамни визуал ассиметрик қуринишга қелтиради. Биз бунди ун бешининчи асрда қизилган авлие Михаил суратида қуришимиз мумкин (брасм). Дуо уқиб тўрган ярим-яланғоч авлие Михаилнинг қичқинағина фигураси тарозида туртга шайтон ва иққита теғирмондан огир қелмоқда. Афсуски дуонинг қуқи факат маънавий вазнга эга ва визуал қуринишга эга эмас. Вазиятдан қичқиш чораси сифатида рассом авлиени ушлаб тўрган фаришта қуйлағида авлие фигураси остига қатта қора доғни илова қилади. Жисмоний объектларда визуал тортилиш мавжуд эмас, қора доғ умумий сахнада визуал огирлик яратади.

<sup>26</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-19

### Нима учун баланс?

Нима учун тасвирий баланс зарурий? Шунинчунутмаслик керакки, ҳам жисмонан ҳам визуал тарафдан мувозанат нуктаси муҳим урин тутиб у ерда ҳамма актив кучлар тинчлик ҳолатига утади. Физиклар айтишича тизимдаги потенциал энергия минимал даражага етди. Мувозанатдаги жисмнинг шакли, йуналиши ва жойланиши каби факторлар бир-бирини тулдирган ҳолда бир-бирларини узгартиришнинг иложи йўқ. Мувозанатсиз жисм эса бекарор ва яроксиз ҳолда куринади. Унинг элементлари мукамалликка эришиш учун шакл ва жойланишни узгартиришга мойил. Ноаник расм мумкин булган шаклларнинг маъносини тушунишга йул куймайди. Кузатувчида яратиш жараени тугалланмаган деган тасаввур тугилади.<sup>27</sup>

Элементлар ўзгаришга мойил бўлиб тўрганда ишни тухтатиш хато булади. Бундай вақт исканжасида қолиш сезгиларни бузади. Айрим ҳолларда расом айнан шундай эффектни хоҳлаган бўлиши мумкин, бундан ташқариги барча ҳолларда расом бекарорликнинг олдини олиш мақсадида мувозанатни топишга уринади. Албатта баланс симметрияни талаб қилмайди. Икки тарафи бир хил булган симметрик композиция баланс ҳосил қилишнинг энг оддий усули ҳисобланади.<sup>28</sup>



<sup>27</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-20

<sup>28</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-21

## 6 расм

Кўп холларда рассом бу тенгликнинг баъзи турлари билан ишлайди. Эл Греко суратларининг "Благовешание" бирида фаришта Виржиндан (Богородица) анча катта тасвирланган. Лекин бу номутаносиблик шунинг учун ишонарли чикканки икки фигуранинг тенг булмаган хажмий бузилишида бир-бирини тулдирувчи факторлар таркокликни йўқотган, бундан келиб чиқадики бир карашда мувозанатнинг йўқлиги мувозанат топилгандагина куринади.

Кейинги мисоллар Метленд Грейвс томонидан ишлаб чиқилган тестлардан олинган бўлиб студентларнинг тасвирий сезувчанлигини аниқлайди. 7расмдаги, а билан б ни солиштиринг. Чапдаги расм яхши балансга эга. Бир майдонда турли улчамдаги ва хажмдаги туртбурчаклар ва тўғрибурчакларнинг хаётий комбинацияси мужассам, бу элементларнинг хар бири уз жойида, бир-бирида боғлик, хаммаси зарурий, хеч кайси элемент узгартириш изламайди. 7б расмнинг аниқ белгиланган ички вертикали узгарувчан эгизагини солиштиринг. 7б расмда хажмлар фарки шунчалик камки уларга каралганда у тенгликми тенгсизликми, симметриями ассиметриями, квадратми тўғрибурчакми тушуниб булмайди. Биз бу расм бизга нима демокчи эканини тушуна олмаймиз.

8а расмдаги фигура мураккаброк бўлиб, тушунарсизлиги билан гашлик тугдиради. Бу ердаги боғликликларни тўғри хам кийшик хам деб булмайди. Туртта чизикнинг узунлик фаркининг озлиги уларни бир хил дейишга асос булмайди. Катта бушлик ичидаги расм, бир тарафдан хочсимон фигуранинг вертикал-горизонтал симметриясига, бошқа тарафдан учар жисмнинг диагоналли узаги бор симметриясига якин келади.<sup>29</sup>



а



б

Расм 7



а



б

Расм 8


8б расм тугаллангандек хам эмас осойишталик хам бермайди. Балансинг йўқолиши хар доим хам конфигурацияни окувчан қилмайди. 9расмдаги лотин хочининг симметрияси шунчалик баркарорки чизикнинг кийшиклиги кусурдек куринади. Бу ерда намунанинг мувозанати шу кадар

<sup>29</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-22

кучли урин олганки, у узининг бутунлигини саклаш учун хар кандай ташки аралашувни итариб чикаради. Бундай шароитда мувозанатсизлик бутунликка аралашувга сабаб булади. Бундай холатни олдинга каратилган портретнинг симметриядан кочишида еки хочга михланишнинг оддий таъбирида (бу ерда Масихнинг бош эгилишини бошқа бир жисмнинг холатини узгартирилиши билан мувозанат саклайди) ўрганиб булади.

Огирлик.

Мувозанатга визуал объектнинг иккита хусусияти, яъни огирлик ва йуналиши алохида таъсир килади. Жисмлар оламида биз огирликни объектларни пастга тортадиган гравитацион тортиш кучи деб атаймиз. Шунга ухшаш тортилиш кучини биз тасвирий санъатда ва хайкалтарошликда кузатишимиз мумкин. Лекин визуал огирлик уз кучини бошқа йуналишда хам намоен килади. Масалан биз буялмаган тугалланмаган расмга караетганимизда унинг огирлиги кузатувчининг кузи ва расм оралигида кучланиш пайдо килади ва бу ерда расм кузатувчини узига тортяптими, итаряптими айтиш кийин. Факат шуни айтиш мумкинки куч динамик эффектга эга. Лекин кучланишнинг йуналиши расмнинг юзаси буйлаб булиши шарт эмас. Тузилмавий асосга эга кучли позиция (Зрасм) марказдаги еки марказий вертикал ва горизонталдан узокда жойлашган позицияга караганда кўпрок огирлик кутариб тура олади.<sup>30</sup>



Расм 9

Масалан расмдаги марказий объектларни четдаги майда деталлар билан тулдириш мумкин. Расмдаги марказий объектлар гурухи одатда огир булгани билан чегарага томон кичиклашиб кетади ва расм тайер холида жуда яхши балансга эга булади. Бундан ташқари визуал композиция учун кулланилиши мумкин булган восита тамойилига кура элемент вазни марказдан узоклашгани сари нисбатан ошади. Албатта хар-бир мисолда огирликни белгиловчи омилларни биргаликда хисобга олиш керак.

<sup>30</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-23

Оғирликка таъсир кўрсатадиган яна бир омил фазовый чуқурлик хисобланади. Этель Пуффернинг кузатишларига караганда узок масофадаги узгарувчан жисмлар мувозанатни ушлаб туриш учун катта кучга эга. Эхтимол бу коидага шундай таъриф бериш мумкин, курилатган чуқурлик канчалик бепоен булса унинг оғирлиги шунчалик катта булади. Бунинг нима учун шундай булиши кераклигини биз факат тахмин килишимиз мумкин. Идрокимизда улчам ва масофа шундай боғлиқки, расмнинг фронтал текислигида узокрокдаги объект якинрокдагига нисбатан катта деб тушунилади ва эхтимол мухимрок деб хисобланади. Моненинг "Dijener sur vherbe" сида узокдаги гул тераётган киз фигураси олдинги пландаги учта йирик фигурадан кура салмокликрок куринади. Унинг вазнини ошираетган нарса унинг узокрокда тасвирланганими? Сахнанинг бир четидаги бушлик хам шундай хажмий оғирликка эга дейиши мумкин. Бу холат уч улчамли объектларда хам кузатилиши мумкин. Масалан Рен биноларида олдинга туртиб чиққан қанотларнинг мувозанатини сақлашда, Палаццо Барберини еки Римдаги Боргезе казино биносиде ва суд биноси шу режа буйича яратилганми?

Оғирлик албатта ўлчамга хам боғлиқ, бошқа омиллар тенг булганда, объект канча катта булса шунча оғир булади. Агар рангларга тухталсак кизил ранг кукдан кура оғиррок, очик-ёркин ранглар тук рангларга нисбатан оғиррок. Ван Гог картинасида ётокхонадаги ёркин кизил рангдаги чойшаб оғирликни марказдан силжитади. Мувозанатни сақлаш учун ок майдон корага караганда кичикрок булиши керак, чунки очик ранг нисбатан катта куринади.

Пуффернинг кузатишича композициядаги оғирликнинг белгиланиши ички кизикишга хам боғлиқ. Расмдаги композиция кузатувчининг эътиборини бутун борлиги билан, масалан Масих- бола атрофидаги дог (сажда расмида), ёки мураккаблиги, чалкашлиги ва бошқа хусусиятлари билан ушлаб туриши мумкин. (Шу муносабат билан Моненинг "Олимпия" сидаги хар-хил ранглардан иборат гулдастасига эътибор беринг). Объект хажмининг кичиклиги диккатни тортиб, унинг оғирлиги камлигини урнини тулдирган.<sup>31</sup>

Қадимги эксперимент хам шуни курсатадики кузатувчининг идрок килиши ва сезиши унинг ички туйғулари ва куркувларига боғлиқ. Бунда расмдаги куриниш орзу килинганми ёки ёкимсизми, баланснинг узгаришига таъсирини аниклашга уриниш мумкин.

Изоляция хам оғирлик яратади. Осмондаги ёлғиз куёш ёки ой, худди шундай тарздаги бошқа объектлар куршовида тўргандан кура оғиррок куринади. Сахнада эътиборни кучайтириш учун изоляциядан фойдаланиш кабул килинган метод хисобланади. Шунинг учун сахна юлдузлари тез-тез мухим сахналарда бошқаларнинг узларидан узокрок туришларини талаб килишади.


---

<sup>31</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-24



Шакл ҳам огирликка таъсир курсатиши мумкин. Оддий геометрик шакллар бир карашда огир куринади. Бундай эффектни Кондинскийнинг локбуёкли абстракт расмларида кузатиш мумкин, бу ерда алохида доира ёки квадратлар композицияга алохида ургу беради. Ихчамлик, марказ атрофида жамланганлик даражаси ҳам огирликка таъсир килади. Грейвс тестидан олинган 10 чи фигурада каттарок булган туртбурчак ва учбурчак олдида жойлашган нисбатан кичикрок доирани куриб турибмиз. Вертикал йуналтирилган шакллар кийшикларига караганда нисбатан огиррок туюлади. Аммо ушбу коидаларнинг кўпчилиги аник экспериментлар оркали текширишларини кутмокда.

Билимларнинг таъсири нимада? Расмда хеч кандай билим кузатувчига бир сиким пахтани бир булак кўргошиндан оқроқ кўрсата олмайди. Муаммо архитектурада қилиб чикди.<sup>32</sup>



---

<sup>32</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-25

### **Назорат саволлари**

1. Баланс трансфер қиймати нима?
2. Гуруҳлаш қоидалари деганда нимани тушунасиз?
3. Чизиклар шакли деганда нимани тушансиз?
4. Қандай фаол таълим идрок дейилади?
5. Сезувчанлик тушунчалар қайсилар?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English.

## **2-мавзу: Ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунча.**

### **Режа:**

- 2.1. Тасвирий фаолиятда кўникма, маҳорат ва тажриба.
- 2.2. Шаклни фазовий хусусияларини тасвирлаш.
- 2.3. Оддийлик тушунчаси.

**Таян иборалар:** Эксперимент, детал, учбурчаклик, интеллектуал, абстракция, стимул, перцепция, эффект.

### **2.1. Тасвирий фаолиятда кўникма, маҳорат ва тажриба.**

Бундай хатти харакат билан ошкор қилинган сезувчанлик жараёни психологлар томонидан хали ҳам “умумлаштириш” деб қабул қилинади. Бу термин олдиндан маълум назарий ёндашув бўлиб, у шу борада ўтказилган экспериментни ўзи билан рад этилган. Фараз қилинганки, англаш бу индивидуал ходисаларни ёзиб олиш билан бошланади, ва уларнинг умумий хусусиятларини фақат тушунчаларни интеллектуал шакллантира оладиган тирик мавжудотлар орқали тасаввур этса бўлади. Шунинг учун, ҳар хил ҳажм, ориентация ва рангдаги учбурчакларнинг ўхшашлигини фақат миясида учбурчак тизимини умумий тушунчасини ҳар хил индивидуал кузатишлар асосида чизиб ифодалай оладиган кузатувчиларгина топа олади. Логик абстракция тажрибаси йўқ ёш болалар ва хайвонлар шу каби вазифаларни қийинчиликсиз амалга оширганликлари жумбоқли хайратни юзага келтирди.

Эксперимент натижалари сезги назариясини тескарисига суриб юборишни талаб этди.

Энди шундай туюлдики, кўриш қобилиятини биз ҳечам бирон деталдан умумийга ўтадиган тушунча деб қабул қила олмаймиз. Аксинча, шу нарса ойдин бўлдики, умумий таркибий хусусиятлар сезгининг асосий маълумотлари ҳисобланади, шунинг учун учбурчаклик тизими бу интеллектуал абстракцияни охирги маҳсулоти эмас, бироқ у индивидуал маълумотни ёзиб олишга нисбатан тўғридан тўғри ва кўпроқ бошланғич тажриба билан боғлиқ. Ёш бола бир итни бошқа итдан ажратиб танигунга қадар у “итга ўшаш” жонни кўради. Мен ҳозир шуни кўрсатмоқчиманки, ушбу психологик кашфиёт бадий шаклни тушунишда хал қилувчи муҳим қадам ҳисобланади.<sup>33</sup>

Бу янги назария ўзига хос муаммо туғдиради. Умумий таркибий хусусиятлардан бири сезги очик ойдин конкрет стимул намунаси билан берилмаган деб ҳисобланади. Агар масалан, бир одамни боши ёки бир қанча бошлар думалоқ бўлиб кўринса, ушбу юмалоқлик стимулнинг қисми деб ҳисобланмайди. Ҳар бир бош юмалоқликни ташкил қилувчи ўзининг мураккаб контурига эга. Агар бу юмалоқлик фақат интеллектуал равишда қабул қилинмасдан, балки ҳақиқатда кўрилса, қандай қилиб биз уни сеза биламиз? Эҳтимолий жавоблардан бири стимул конфигурацияси сезувчанлик жараёнига шу маҳнода кирадики, у мияда умумий хиссий

<sup>33</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-45

категорияларнинг ўзига хос намунасини уйғотади. Бу намуна стимуляцияни англатади, худди илмий тавсифга ўхшаб, умумий тушунчалар тармоғи кузатилган феномен деб ҳисобланади. Илмий тушунчаларнинг табиати уларни феноменни “ўзини” эгаллаб олиш эҳтимолини инкор қилади, перцепция объекти стимул материални ўзига бутунлай ёки қисман эга бўлолмайди. Олим олмага яқинлаша оладики, қачонки у уни вазини, хажмини, шаклини, жойлашган жойини, ва мазасини ўлчаб синай олса. Перцепция объекти стимул “олмага” яқинлаша оладики, қачонки у уни махсус тарзда юмалоқлик, оғирлик, мевалик тами, пишмаганлик каби умумий сезги хислатлари орқали ифодолай олади.

Биз бу оддий, мунтазам шакл – квадратга қараганимизда, ушбу сезгини шакллантирувчи фаолият сезилмайди. Квадрат формаси, муболагасиз стимулда берилганга ўхшайди.

Агар биз яхши белгиланган ва инсон ясаган шакллар дунёсини тарқ этиб атрофимиздаги ҳақиқий табиат манзарасига назар ташласак, биз айнан нимани кўрамиз? Балким, жуда хаотик оммавий дарахтларни ва чакалакзорларнидир. Бази дарахт таналари ва шохлари бирон аниқ йўналишларни кўрсатиши мумкин, ва кўзларимиз уларга ёпишиб қолиши мумкин, ва бир бутун дарахт ёки бута одатда бизга тушунарли доира ёки конус шаклида намоён бўлиши мумкин. Биз уларнинг япроқлилик ва кўкимтирлик текстурасини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин, лекин табиат манзарасида шунчалик кўп нарсалар борки, кўзларимиз уларни ҳаммасини илғаб олиш қобилиятига эга эмас. Ва базида аралаш панорама бизга аниқ йўналишлар, хажмлар, геометрик шакллар, ранглар, ёки текстуралар конфигурацияси бўлиб кўриниши мумкин, ва биз уларни ҳақиқатда англай оламиз деб айтишимиз мумкин.<sup>34</sup>

Агар бу тасвирлаш тўғри бўлса, биз шуни айта оламизки, нарсаларни англамоқ “сезувчанлик тушунчалари” маълумотидан иборат. Одатдаги стандартлар бўйича балки бу унчалик тушунарсиз терминдир, чунки сезгилар конкрет нарсалар билан чегараланиши керак, тушунчалар бўлса абстракт нарсаларга боғлиқ. Биров, юқорида қайд этилгандай, кўриш жараёни тушунчани шакллантириш ҳолатларига тўғри келади. Кўриш тажриба материали билан боғлиқ бўлиб, у тегишли шаклдаги умумий формаларни яратади, ва уларни биз фақатгина бирон бир индивидуал ҳолатларда қўллабгина қолмай, шунга ўхшаш бир неча бошқа ҳолатларда ҳам қўллашимиз мумкин.

Лекин биз ҳечам “тушунча” сўзини ишлатган ҳолда, бир нарсани англашни интеллектуал жараён сифатида назарда тутмаймиз. Биз кўриб чиқаётган жараёнлар асаб тизимининг визуал секторига тегишли эканлигини назарда тутишимиз лозим. Лекин тушунча термини бўйича базида хисларнинг бошланғич фаолияти ва ундан юқори поғонадаги фикрлаш ёки мулоҳаза қилиш орасида жуда катта ўхшашлик борлигини англатади. Шунинг учун ҳам ушбу ўхшашлик шунчалик зўрки, кўп психологлар

---

<sup>34</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-45

хисларимиз ютуқларини интеллект орқали уларга берилган сирли ёрдам билан боғлиқ дейдилар. Бу психологлар онгсиз хулосалар ва ҳисоблашлар тўғрисида сўзлайдилар, чунки уларнинг фарази бўйича, хис қилишни ўзи фақатгина ташқи дунё зарбаларини механик қайд қила олади. Энди шундай туюладики, худди шу механизмларнинг ўзи иккала сезувчанлик ва интеллектуал даражада фаолият кўрсатади, шунинг учун тушунча, баҳолаш, логика, абстракция, хулоса, ҳисоблаш каби терминлар бизни хисларимизни ишлашини тасвирлаш учун зарурдир.

Яқинда психологларни билдирган фикрларига кўра, биз кўришни инсон онгини ижодий фаолияти деб атасак бўлади. Амалга оширишларни хис туйғу даражасида англамоқ бу фикрлаш маконида тушунишни англатади. Хар бир одамни кўриш аъзоси рассомни лол қолдирадиган қобилиятини шохиди бўлади, ва бу тажрибани ташкиллаштирилган форма орқали яққол интерпретация қилиб беради. Кўриш бу тушуниш қобилиятидир.<sup>35</sup>

## **2.2. Шаклни фазовий хусусияларини тасвирлаш.**

### **Шакл нима дегани?**

Объектни жисмоний шакли уни чегаралари билан белгиланади – масалан, қоғоз парчасининг тўғри бурчакли томонлари, конуснинг ён ва пастки томонларини чегаралайдиган икки юзаси. Жисмоний шаклни одатда назарга олинмайдиган хусусиятлари бу унинг бошқа фазовий аспектларидир: предмет ўнг ён томони билан тепага қараганда ёки тўнтариб қўйилганда, ёки бошқа предметлар ҳозир яқин жойлашганда. Ва аксинча, сезувчанлик шакли сезиларли даражада ўзгариши мумкин, қачонки уни фазовий ориентацияси ёки уни ташқи кўриниши ўзгарса. Визуал шакллар бир бирига таъсирини ўтказади. Бундан ташқари, биз яна кейинчалик шуни кўрамизки (72 Расм) , предметни шакли фақатгина уни чегаралари билан белгиланмаслигини; чегаралар туфайли юзага келган склетни визуал кучлари , ўз навбатида чегаралар қандай тарзда кўринишига таъсир қилади.

Сезувчанлик шакли бу жисмоний предмет, маълумот етказиб берувчи ёруғ Мухити, ва томашабиннинг асаб тизимидаги устунвор холатоар орасидаги ўзаро алоқа натижасидир. Ёруғлик шаффоф предметлардан ташқари бошқаларини кесиб ўтмайди.

Бу шуни англатадики, кўзлар фақат ташқи шакллар хақида маълумот ололади, ички шакллардан эса ололмайди. Бундан ташқари, ёруғлик тўғри чизиқлар бўйича ҳаракатланади, шунинг учун кўз қора чизиғида пайдо бўлган расм проекциялари фақат кўзларга тўғри чизиқлар билан боғланган предметни ташқи юзаси томонларига ўхшайди. Масалан кемани олди тарафи ён тарафидан қараганимиздан бошқача кўринади.<sup>36</sup>

Бироқ, биз кўриб турган предметни шакли, фақатгина аниқ пайтдаги кўз қорачиғида юзага келган проекцияга боғлиқ бўлмайди. Жиддий сўзлаганда, сурат биз бу предметда кўрган визуал тажрибиларимизни, ёки бутун хаёи давримиздаги бутунлиги билан аниқланади. Масалан, бизга

<sup>35</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-45

<sup>36</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-45

ковунни кўрсатишса, лекин биз буни фақатгина бўш овқат қолдиғилигини билсак, яни бу ярим қобик бўлиб, елишмаётган қисми кўринмайди. У бутун қовунга асло ўхшамаслиги мумкин, ва унинг сирти бўлса бизга худди шундай шаклда кўринябди. Масалан, мотори йўқ бўлган машина мотори бор машинадан кўринишида фарқи бўлиши мумкин.

Шу каби, агар бирон шахс ўз таасуроти асосида тирон суратни чизса, у бу суратга қанча шакллар киритишини танлаши мумкин. Уйғониш даври пайтда юзага келган расм чизишни ғарбий стили кузатиш доимий нуқтасидан кўринадиган шаклни чизишни тақиқлаган. Мисрлик, Америка хинду рассомлар ва кубистлар бундай тақиқни инкор қилишган. Масалан болалар она қорни ичидаги чақалоқ расмини чизадилар, бушменлар кенгуруни тасвирлаганда унинг ички аъзолари ва ичакларини там чизадилар, кўр хайкалтарош лойдан яаслган бошда кўз бўшлиқларида кавак ясаб ва кейин унинг ичига кўз соққаларини жойлаштириши мумкин. Бу худди мен айтган нарсага ўхшайди, шахс предметни чегараларини тушириб қолдириши мумкин, бироқ шундай бўлса ҳам у таний бўладиган расмни чизади (11 Расм).

Шахсдан бурама зинапоя қандай кўринишда бўлади деб сўралганда, у бармоғи билан кўтарилаётган спирални кўрсатади, у уни шаклини кўрсатмаябди, бироқ у объектда мавжуд бўлмаган асосий оқларини кўрсатаябди. Шундай қилиб, объектни шакли уни фазовий хусусиятлари билан тасвирланади, ва бу муҳим хисобланади.<sup>37</sup>

### **Ўтмишни таъсири**

Ҳар бир визуал тажриба макон ва вақт контексти ичида туради. Худди объектларни кўриниши маконда қўшни объектлар таъсирида бўлгандай, у ҳамда олдинги вақтда кўринган жойлар таъсирида бўлади. Лекин бу таъсирларни қабул қилмоқ предметни ўраб турган барча нарсалар уни шаклини ёки рангини автомат равишда ўзгартира дегани эмас, объектни ташқи кўриниши ўзини ичига фақатгина ҳамма таъсирларни мужассамлантирган. Фазовий муносабатларга қўлланган бундай қараш нотўғри бўларди, лекин шунда бўлса ҳам у тез тез вақтда муносабатларга алоқаси бўлган. Бизга айтишларича, ҳозир шахс кўраётган нарса, бу фақатгина уни ўтмишда кўрган нарсадир. Агар мен ҳозир 11 Расмда тўртта нуқтани квадрат сифатида кўрсам, бу мени ўтмишда жуда кўп квадратларни кўрганимни англатади.


Шаклни ҳозирги пайт билан ўтмиш орасидаги муносабатларига ғўллик билан қараш керак эмас. Биринчидан, биз маъсулиятни ўтмишга рўкач қилиб ўтказишни давом эттира олмаймиз, чунки биз тан олишимиз керакки, барибир ҳар нарса бирон жойда бошланиш нуқтаси бўлган. Гаetano Канисса бу ҳақида шундай дейди: “Биз ўзимизни атрофимиздаги нарсаларни аниқ таний олганмиз, чунки улар улар бизга сезувчаликни ташкиллаштириш кучлари орқали тажрибадан қатъий назар мустақил намоён бўлиб, уларни хис қилишимизга йўл қўйадилар”. Иккинчидан, ҳозирги шакл билан ўтмишдаги

<sup>37</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-48

кўрган нарсаларимиз орасидаги ўзаро таъсир автомат ва универсал тарзда равишда рўй бермайди, балки бу муносабат улар ўртасида қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Масалан, 12 д расм ўз ўзидан худди вертикал чизиққа боғланган учбурчакка ўхшайди.<sup>38</sup>



11 Расм



12 Расм

Лекин 12 а, б ва с расмларда у балким девор орқасига йўқолаётган квадрат бурчаги бўлиб кўриниши мумкин. Бу эффе́кт фазовий контекст орқали пайдо бўлади 12 расмда кўрсатилгандай, ва хатто яққол дунёвий нуқтаи назаридан, масалан, агар а, б, с, д худди анимацион филмга ўхшаб бир биридан кейин келса. Бундай эффе́кт юзага келадикки, чунки етарлича кучли тузилмавий ўхшашлик шаклларни бир бирига боғлайди. Шунга ўхшаб, 13 Расм бирдан ўзини шаклини ўзгартириши мумкин, қачонки бизга бу ойна орқасидан ўтиб кетаётган жираф деб айтишса.




13 Расм

<sup>38</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-48




Бу ерда оғзаки тасвирлаш визуал хотира изини юзага келтиради, ва у алоқа ўрнатиш учун чизмага етарли даражада ўхшайди. Хамма психология талабаларига маълум бўлган экспериментда, ноаниқ шаклларни идрок қилиш ва такрорлаш оғзаки кўрсатмалар орқали таъсир кўрсатилган. Масалан, 14а Расм 14б расмда такрорланган, қачонки объектга кум соати экранда бир зумга пайло бўлади деб айтилди, ва бу ерда С натижада жадвалда кўринди. Бундай экспериментлар биз кўриб турган нарса бутунлай биз олдинроқ кўрган нарса билан белгиланишини исботламайди. Уларни кўрсатиши бўйича таниш объектларни хотридаги излари биз кўраётган шаклга таъсир қилиши мумкин, ва улар бизга бошқача шаклда кўриниши мумкин, агар уни тизими бунга йўл қўйса.<sup>39</sup>



14 Расм


Кўпчилик стимул намуналари бир томондан ноаниқдир. 14а расм хар хил маънода талқин қилинса бўлади, чунки у бир қатор эркинликни таклиф этадики, унга кўра олдинги тажороба ва кутиш хал қилиши мумкинки, унда кум соат ёки стол кўриняптими. Лекин ўтмишнинг хеч қандай қудрати биз бу расмни жираф сифатида кўришимизга мажбур қила олмайди. Бошқа экспериментларни кўрсатишича, агар бирон бир шакл кузатувчиларга 100 марталаб кўрастилган тақдирда хам, у барибир янги контекста тақдим этилганда кўримсиз бўлиб қолиши мумкин. Масалан, 15а расм синчиклаб ўрганиб чиқилгандан кейин, Б ўз ўзидан хали хам учбурчак ва квадрат бўлиб кўринади, лекин бошқа шакллар бтлан ўралган таниш олтибурчак бўлиб эмас С расмда кўрсатилгандай.



15 Расм

<sup>39</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-49-50.

Кузатувчи ҳам яхши маълум 4 рақамини 16 Расмда дархол кўра олмаслиги мумкин. Бундай холларда ниқоблаш эски усуллар ўрнига янгиларини ишлатиб амалга оширилиши мумкин, бурчакларни кесишган чизикларга алмаштириб, ва ўхшашликларни манипуляция қилиб, масалан тизимли оқларни ва симметрияларни. Хатто ўтмишдаги етарли тажриба ҳам бундай айёрликни еча олмаслиги мумкин. Амин бўлиш учун, квадратлар ва учбурчаклар бизга олти бурчак ва тўртбурчакларга ўхшаб танишдир. Ахамиятлиси шундаки, ушбу конфигурацияга қайси тизимларни тўғри келишидир. Хотранинг таъсири таъсири кучаяди, қачонки кучли шахсий зарурият кузатувчини берилган сезувчанлик хусусиятларини кўришга мажбур қилади. Горнбрех шундай дейди:



16 Расм

“Предмет бизга нисбатан қанчалик каттароқ биологик ахамият касб этса, биз уни шунчалик кўпроқ танишга интиламиз, ва шунинг учун биз расмий ёзишмалар стандартига бағри кенглироқ муносабатда бўламиз.” Кўча бурчагида туриб ўз ёрини пойлаётган эркак хар бир ўтиб кетаётган аёлда ўз ёрини кўради, ва ушбу хотира изи зулми дақиқалар ўтган сари мустахкамлашиб боради. Психоаналитик хар битта санъат асарида жинсий аъзоларни ва бачадонларни кўради. Роршах тестини ўтказётган психологлар стресни идрокка кўрсатадиган таъсирини ўрганиб чиқадилар. Ушбу тестда ишлатилган сиёҳ доғларининг таркибий ноаниқлиги кўпгина турли талқинларга сабаб бўлади, шунинг учун индивидуал кузатувчи ўз рухий холати ишора қилганни ўзи танлайди.<sup>40</sup>


### **Шаклни кўрмоқ**

Шаклни фазовий хусусияларини қандай қилиб тасвирлаш мумкин? Бунинг энг аниқ йўли ушбу хусусиятларни юзага келтирадиган ҳамма нуқталарни жойлашувини белгилаб чиқишдан иборатдир. Ўзининг Делла Статиа рисоласида Леон Баттиста Алберти уйғониш даври хайкалтарошларига 17 расмда кўрсатилган жараённи жуда ҳам маслахат берди. Чизма линейкаси, протрактор ва вертикал чизик ёрдамида, хайкалнинг хар қандай нуқтаси бурчаклар ва масовалари нуқтаи назаридан тасвирланса бўлади. Шундай ўлчамларнинг етарлича сони ёрдамида, хайкални нухасини

<sup>40</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-50-51.

осонликча яшаш мумкин. Ёки, Албертини айтишича, шаклни ярим қисми Парос ороилида ясалиши мумкин, қолган ярми эса Каррара тоғларида ясалиши мумкин, ва шунда ҳам уни икки қисми бир бирига тўғри келиб бирлашади. Ва айнан шу услубнинг мохиятлари индивидуал объектни репродукция қилишга йўл беради, ва бунинг натижалари одамни хайратда қолдиради. Хеч бир тарзда хайкал шаклининг табиати майда чуда ўлчовлардан йиғилолмайди, чунки бу ўлчовлар натижа маълум бўлишадан аввал қўлланиши лозим.

Ушбу жараён худди аналитик геометрия жараёнига жуда ўхшаб кетади, қачонки фигурани шаклини аниқлаш учун, фигура ташкил топган нуқталар: улар фазовий тарзда вертикал (y) ва горизонтал Картезиан координатидан ўз масофалари орқали аниқланадилар.<sup>41</sup>



42

17 Расм

<sup>41</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-52.

<sup>42</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-52.

Бу ерда ҳам, етарли ўлчовлар сони шаклни яасашга йўл беради. Бироқ, қачонки иложи бўлганда геометрик фақатгина боғлиқ бўлмаган маълумотларни йиғиш билан чегараланиб қолмайди. У шаклни хар қандай ва хар бир нуқтасини жойлашувини кўрсатадиган формулани топишга харакат қилади, бу дегани, у қурилиш умумий қонунини қидиради. Масалан,  $r$  радиусли доирани тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$(x - a)^2 + (y - b)^2 = r^2$$

агар доирани маркази  $u$ -оқдан масофада жойлашган ва  $b$  масофада  $x$ -оқдан жойлашган бўлса. Вахоланки бундай формула чексиз сонли нуқталар жойлашувини умумийлаштириб беради, ва у бутун бир доирани юзага келтиради. Лекин у бизга натижада юзага келадиган шакл табиати хақида кўп маълумот бера олмайди.

Қандай тарзда бизнинг кўриш сезгиси шаклни қабул қилади? Хеч бир соғлом асаб тизимига эга инсон шаклни уни бўлаклардан ясаб бутун шаклда қабул қилмайди. Мен олдинроқ гапирган визуал агнозиянибу нақшни тушуниб англашдаги патологик қобилиятсизлик деб билса бўлади. Бундай ҳолатдан азобланаётган шахс шаклни формаларини ўз боши ва бармоқлари харакати билан англашга харакат қилиши мумкин, ва сўнгра ўз сезгиларини умумлаштириб, бу шаклни учбурчак эканлигини айтиши мумкин. Лекин у учбурчакни кўра олмайди. У худди бир нотаниш шахар лабиринтларида адашиб ўз йўлини топалмаётган сайёҳдан ҳам яхшироқ харакат қила олмайди, ва охирида доирани ичида юрганлиги тўғрисида хулоса қилади.

Кўриш нормал сезгиси бундай ҳолатларга йўл қўймайди. Кўпчилик ҳолатларда у шаклларни шу захотиёқ англайди. У бутун шаклни англайди. Лекин қандай қилиб бу шакл аниқланади? Кўз қорачиғида режалаштирилган кўзгатувчиларни ва режалаштиришни кўриб чиқаётган асаб тизимини учратганда, бизни онгимизда бу шакл қандай тарзда пайдо бўлади? Биз бир оддий шаклга қараганимизда, биз хеч қандай муаммо кўрмаймиз. Бироқ, биз нима учун 18 расмдаги тўртта нуқтани худди 19 расмдаги квадратга ўхшаб кўрамиз, лекин хечам буралган олмос ёки профил юзига ўхшаб эмас, хатто охиргисини шакллари ҳам тўрт нуқтадан иборат бўлса ҳам?

Агар 18 расмга яна тўртта нуқта қўшилса, энди квадрат саккиз бурчакли ва хатто думалоқ шаклдан ёқолади (20 Расм). 21 расмда кўрсатилган кесишувлар марказларида оқ доиралар ёки бази кузатувчиларга кўра, квадратлар пайдо бўлади, хатто доиравий ёки квадрат шаклдаги контурнинг изи бўлмаса ҳамда. Нима учун бошқа шакллар эмас, бироқ айнан доиралар ва квадратлар пайдо бўлади?


Бу каби феноменни гештальт психологлари тушунтириши бўйича визуал идрокни асосий қонуни сифатида тасвирлайдилар: хар қандай стимул нақшини шундай тарзда кўриш мумкинки, натижада юзага келган тузилма ҳозирги шароит йўл қўйгандай оддийдир.<sup>43</sup>

---


<sup>43</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-53-54.



18 Расм



19 Расм



20 Расм



21 Расм

### 2.3. Оддийлик тушунчаси


Оддийлик тушунчаси остида биз нимани англаймиз? Биринчидан, оддийликни биз тақдим этилган нарсани қийинчиликсиз тушунадиган кузатувчининг субъектив тажрибаси ва хукми деб белгилашимиз мумкин. Оддийликка биз Спиноза тартиб хақида айтган тушунчасини қўллашимиз мумкин. Этикадан олинган парчага кўра, биз нарсаларда тартиб борлигига маҳкам ишонамиз, хатто биз бу нарсалар ва уларнинг табиати тўғрисида ҳеч нарса билмаасак ҳам. “Нарсалар шундай тартибда жойлаштирилганки, улар бизга тақдим этилганда, биз шз хиссиётимиз билан уларни тасаввур қила оламиз, ва натижада уларни осонликча эсда сақлаб қоламиз, биз уларни яхши тартибда жойлашган деб атаймиз, ёки қапама қарши тарзда уларни ёмон ёки нотўғри тартибда жойлашган деймиз”. Эксперимент олиб борувчи кузатувчилар учун баъзи шаклларни тушуниш қанчалик осон ёким қийинлигини аниқлашда объектив мезонларни қўллаши мумкин. Кристофер

Александр ва Сюзан Кэри қуйидаги саволларни сўрадилар: Шакллар тўпламида, қайси бил шаклни тезроқ таниб олиш мумкин? Шакллар оддийлиги бўйича тартиб бўйича қандай қўйишимиз мумкин? Қайси шаклларни осонлик билан эслаб қолишимиз мумкин? Қайси шаклларни бошқалари билан адаштиришимиз мумкин? Қайси шаклларни сўз билан тарифлаш осонроқ?

Ушбу экспериментларда тадбиқ қилинган субъектив реакциялар бизнинг муаммоимизни фақат бир аспектидир. Биз визуал объектларнинг хусусияларини тахлил қилган ҳолда уларнинг объектив оддийлигини ҳам аниқлашимиз зарур. Объектив ва субъектив оддийлик ҳар доим бир бири билан параллел юрмайди. Тингловчи хайкални оддий теб топиши мумкин, чунки у уни чалкашлигидан хабари йўқ; ёки у уни мураккаб деб топиши мумкин, чунки у хатто ўрта нозик тизимлар билан ҳам кам таниш бўлиши мумкин.<sup>44</sup>

Ёки у хайрон бўлиши мумкин, чунки у янги, “замонавий” стилдаги шаклларни кўришга одатланмаган, хатто ушбу стил кўриниши бўйича оддий бўлса ҳам. Хусусан томошабинлар қандай муносабатидан қатъий назар, биз шундай савол беришимиз мумкин: бир нақш ташкил этувчи шаклларни тахлил қилиб оддийликни қандай аниқлаш мумкин? Бунда оддий ва аниқ ёндашув бу фақат элементлар сонини санаб чиқишдир: Ушбу расм қанча чизиқлар ва ранглардан иборат? Бироқ бундай мезон билан ёндашиш адашишга олиб келади. Агар элементлар сони бутунлай олганда оддийликка таъсир қилса ҳам, 22 расмдаги мусиқий мисоллар шуни кўрсатадики, узок кетма-кетлик қисқа кетма кетликка қараганда оддийроқ бўлиши мумкин. Тўлиқ оханг қўламли етти элемент шаклга бирлашади, ва бу шакл изчил йўналиш ва тенг қадамлар билан ўса бошлайди.

Агар биз ушбу кетма кетликни ўзини кўрмасак, масалан, диатоник ҳолатига нисбатан- у албатта 22б расмдаги тўрт охангли мавзуга қараганда оддийроқ, ва у тушаётган тўртинчи, кўтарилаётган олтинчи, ва кўтарилаётган учинчидан иборатдир. Мавзу икки ҳар хил йўналиш ва учта ҳар хил инвервални қўллайди. Унинг тизими анча мураккаброқ.



22- Расм

Александр ва Кэрини юқорида қайд этилган экспериментларида бошланғич визуал мисолни кўришимиз мумкин, ва ундаучта қора ва тўрт оқ квадратли горизонтал қатори қўлланган. Энг кичик висман сони иккита: тўртта оқ квадрат қатори ёнида жойлашган учта қора квадрат қатори (23 расм). Ҳақиқатда, бундай тартибда жойлаштириш 35 мавжуд бўлган комбинациялар орасида осонлиги бўйича 2 чи ўринда туради, агар қора қатор


<sup>44</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-54-55.

чапда бўлганда, осонлиги бўйича 4 чи ўринда бўларди агар оқ қатор чапда бўлганда.




23 –Расм

Иккаласига қараганда оддийроқ ҳисобланган тартибда жойлаштиришда энг катта сонли қисмлар мавжуд бўлган: Қора ва оқ квадратлар мунтазам алмашилиши энг мумкин бўлган тизим деб ҳисобланган. Агар Биз иккинчи ўлчов учун чизиқли кетма келиб чизсак, масалан мунтазам квадрат ўзининг тўрт қирраси ва тўрт бурчаклари билан бетертиб учбурчакка қараганда оддийроқ (24 расм). Квадратда барча барча тўрт қирраларнинг узунлиги тенгдир ва улар марказдан бир хил масофада жойлашган.




24 Расм



25 Расм

Фақат икки йўналиш ишлатилади, вертикал ва горизонтал, ва ҳамма бурчаклар бир хилдир. Бутун шакл тўртта оқ атрофида юқори тарзда симметрик жойлашган. Учбурчак камроқ элементлардан ташкил топган бўлиб, лекин улар хажми ва жойлашилиши бўйича хар хил, ва уларда симметрия йўқ.<sup>45</sup>

Тўғри чизиқ оддийгина, чунки у ўзгармас йўналишдан фойдаланади. Параллел чизиқлар бурчакда учрашадиган чизиқларга нисбатан оддийроқ, чунки уларнинг муносабати бир домий масофа билан белгиланади. Ўнг бурчак бошқа бурчакларга қараганда оддийроқ, чунки у бир бурчакни худди ўзи такрорланиши асосида макон бўлинмасини юзага келтиради. (25 расм). 26а ва 26б расмлар бир хил қисмлардан ташкил топган,



26-расм


Лекин б ни шакли оддийроқ, чунки қисмлар умумий марказга эга. Қўшимча оддийлаштирадиган хусусиятлардан бири бу вертикал ва горизонтал йўналиш координатларини фазовий мувофиқлигидир. 24 расмда квадрат ушбу координатга ҳамма қирралари билан муқофиқлашган, учбурчак эса ҳечам мувофиқлашмаган.

<sup>45</sup>Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-56.

Ушбу мисоллардан келиб чиққан холда , биз оддийлик тушунчасини яхши тушуниб олишимиз мумкин, агарки бунда элементларни ўрнига тизилмавий хусусиятларни ҳисобласак. Бундай хусусиятлардан, шаклга келиб тўхталсак, уни масофа ва бурчак билан тасвирлаш мумкин. Агар мен бир хил масофадаги радиусда чизилган доира сонини 10 тадан 20 тага оширсам, элементлар сони ошади, аммо тизилмавий хусусиятлар ўзгармайди; радиуслар сони нечталигига қарамасдан, бир масофа билан бир бурчак бир бутун чизмани тасвирлашга етарлидир.

Тизилмавий хусусиятлар барча модел учун белгилинаши лозим. Чегараланган майдондаги камроқ хусусиятлародатда бутунда кўпроқ хусусиятларни ташкил қилади, ва бу эса қисмни оддийроқ қиладиган нарса бутунни янада мураккаброқ қилиши мумкин деб айта оламиз деганидир. 27 расмдаги тўғри чизиқ а ва б нуқталар орасидаги энг осон боғланиш ҳисобланади, агарки биз ҳақиқатда эгри чизиқ бутун шаклни оддийроқ қилишини сезмай қолсак.

Джулиан Хочберг оддийлик тушунчасини маълумот назарияси орқали аниқлаб беришга ҳаракат қилди (у қадриятлар ҳақидаги фикрга асосланган “мажозий яхшилик” терминни қўллашни афзал кўрди): Бирон бир ташкилотни аниқлашда бошқа муқобилотларга нисбатан ишлатиладиган маълумот кўлами қанчалик кичикроқ бўлса, бунда шаклни қабул қилиш ҳам худди шундай бўлади. Кейинчалик у зарур бўлган маълумотни учта миқдорий хусусиятларини белгилаб берди: шаклни атрофидаги бурчаклар сони, бутун бурчаклар сони билан бўлинган ҳар хил бурчаклар сони, ва узлуксиз чизиқлар сони мураккаб чизиқлар.<sup>46</sup>



**27 фигура**

Бу саволга хусусиятлари эмас, балки ўша эканлигини таъкидлаш лозим аслида қоғозда чизилгани қабул қилинади, мисол учун бир марказий нуқтага чизилган сим куб бурчак фақат битта ҳажмини ўз ичига олади ва мунтазам куб деб ҳисобланадиган четига бири ҳажми лекин ниҳоят бурчак камида тўққиз ҳажмли ва ўн ҳажмли чети булади. Ва шунинг учун уч ўлчамли куб икки ўлчамли лойихага қараганда анча оддий ҳисобланади.

<sup>46</sup>Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-57.



Агар ҳар қандай усулни таркибий хусусиятлари бундай ҳисоблашда етарлича боғлиқ бўлса, намуналар ҳисобланадиган қулайлик даражаси бундай илмий ўлчаш учун кифоя қилади.

Бундан ташқари, психолог ва рассом мавжуд тажрибага кўра фигурага қараб таркибий қисм қийматини тушуниши керак эмас. Соҳа хусусияти, мисол учун, унинг юзасида концентрик симметрия ва доимий эгрилик мавжуд, хаттоки, агар аниқланган соҳа билан яратилган бўлсада ёлғиз унинг радиуси узунлиги билан фойдаланишга топширилди мумкин. Бундан ташқари, оддий геометрик шакллар албатта биз одатда санъат ва табиатда учратадиган мураккаб расмлардан узоқда. Аммо назарий конструкциялар ҳеч қачон бу ҳақиқатда мураккаблиги кўпроқ бўлиши ҳақида даъво қилмайди.

Ҳозиргача мен мутлақ соддалик ҳақида муҳокама қилмоқдаман. Мутлоқ маънода Тиеполе картинасидан кўра халқ куйи, симфония ва болалар расми оддийроқ. Лекин биз ҳар бир қийинлик даражасига тегишли бўлган оддийликни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Агарда кимдир бирор вазифани бажариш учун мурожаат қилса ёки эҳтиёж сезса у ўзига икки савол бериши керак: мақсадга (тежамкорликка) хизмат қиладиган оддий қурулма ва бу тузилмани интизомий ташкил қилишнинг оддий йўли.<sup>47</sup>

Катта ёшдагиларнинг таркиби камдан кам ҳолларда кичикларники каби содда бўлади. Қачонки улар биз мойил бўлсак ижодкор сифатида. Бунга сабаб Инсон мияси табиатдаги энг мураккаб механизм ва қачонки инсон модага тақлид қиларкан унга шу нарса ярашиб туриши керак, ақли уни бой деб тан олиши учун у ўзини етарлича бой қилиб кўрсатиши керак. Оддий объектлар тегишли чекланган хизмат вазифалари билан хурсанд қилиши ва қониқтириши мумкин аммо санъатдаги ҳамма ҳақиқий ишлар “оддий” кўрингани билан аслида жуда мураккаб. Агар биз миср хайкалларининг юза қисмига яхшилаб қарасак, юнон мабудаларининг қиёфаларини ёки Африка хайкалтарошлигининг яхши томонларига расмий мурожаат қилсак, уларни оддийликдан бошқа ҳеч нарса эмасдек қуринади. Эрамиздан олдинги ғорлардаги бизонлар, Византия авлиёлари ёки Анри Руссо ва Мондриан расмларига ҳам таълуқли. Бизни иккиланишимизга сабаб булиб кўринган ўртача ёшдаги болани тасвирлаш ёки миср пирамидалари ёки бир қанча офис бинолари, “санъат асари”нинг энг кичик мураккаблиги ёки бойлиги ажралмас бўлиб кўринади. Бир қанча вақт илгари архитектор Петер Блэк ёзган эди: “Кейинги йил ёки Қўшма штатларда фақатгина бир турдаги саноат маҳсулоти бўлади.”-ялтироқ силиқланган таблетка. Кичик таблеткалар витамин таблеткалари бўлади; каттароқлари телевизорлар ёки ёзув машиналари бўлади; катталари эса автомобиллар, самалётлар ва поездлар бўлади. Блекнинг фикрича биз санъат маданиятининг юқори чўққисига кўтарилмадик. Унинг айтишича нисбий соддалик, тежамкорлик ва мунтазамлик мураккаблиги даражаси қандай айтилишидадир. Чарли Чаплин бир марта фильмдан сўнг, Жеан Состеауга деди «дарахтни бир силкитиш» керак ва дарахтда қолганларини сақлаб қолиш керак. Олимлар томонидан

---

<sup>47</sup>Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-58.

қабул қилинган, тежамкорлик тамойили бир нечта фактлар билан мос келишини талаб қилинадиганидан энг оддий қабул қилиниши керек. Сохен ва Нагелга кўра, агар биринчи элементларнинг мустақил турдаги сони иккинчисига қараганда кичикроқ бўлса бу тахмин оддийроқ деб айтилади. Танланган гипотеза олимлар томонидан ҳодисанинг барча жиҳатларини тушунтириш учун тан олиниши керек, агар бу мумкин бўлса нафақат нарсалар ёки ҳодисалар муайян мажмуини балки шу туркумга оид қатор ҳодисаларни тушунтириши керак. Тежамкорлик тамойили рассомнинг мақсад чегарасидан чиқиб кетмаслигига амал қилади. у табиат қонунларига амал қилади, Исак Нютон таъбири билан айтганда “ҳеч нарса беҳуда бўлмайди, кўпроқ беҳудалик унга камроқ куч сарфлангандан бўлади; табиатга соддалик ёқади ва ортиқча сабабларга таъсир қилмайди”. Жуда кам айтиш каби жуда кўп ёмон гапирган ва ўз нуқтасини ёмон қилган каби жуда муракаб Мартин Ҳеидеггер ёзувлари ва Уолласэ Стивенс шеърлари улар бўлиши керакдан кўра ҳеч муракаб эмас.<sup>48</sup>

Санъатнинг буюк ишлари мураккабдир аммо бизхам уларни “соддалиги”, бизда бой таъсурот қолдирганлиги ва умумий қиёфани шакллантирганлиги, бутун бир шаклнинг ҳар бир деталининг ўрни ва вазифасини аниқ кўрсатиб берганлиги учун мақтаймиз. Ташкиллаштиришнинг бундай усулини оддий йўл билан мунтазамлик деб аташ мумкин. Курт Бадтга Рубенс барча рассомлар каби деб айтиш учун парадоксал кўриниши мумкин. У тушунтиради: “Бу тўғри, унинг соддалигини тушиниш шунинг учунки, тартиб ҳолатини тушиниш ахволида бу катта дунёда фаол кучлар устунлик қилади” Бедт белгилашича: бадий соддалик худди “доно буюртма моҳиятига асосланган воситаларини бошқа барча учун, бир хизматкор бўлиши керак.” Бадий соддаликка мисол сифатида, калта чўтка билан чизилган Титанлар усули картинасини эсга олади. Икки қаватли юзаси ва тарк этадиган контурлар. Янги даража оддийлика эришилади. Бутун расм фақат бир тартибда амалга оширилади. Чизиқ объектлар томонидан белгилангунча, у фақат соя чегаралари учун балки асосий дақиқалар учун ишлатилади. Энди линиянинг ҳам шакли доимий барқарорлик билан оралик ва ҳаво ёрқинлигини аниқланишини талаб қилади, шундай қилиб катта соддалиги ҳаёт жараёни абадий ўзгариб боришини ифодалаш эҳтиёжини бажаради. Худди шундай, ўз ривожланишнинг маълум бир нуқтасида, соддалиги учун Рембрандт кўк рангдан фойдаланишни рад этган, чунки олтин-жигарранг, қизил, охра ва зайтун, яшил унинг акорларига мос эмас эди.<sup>49</sup>

---

<sup>48</sup>Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-59.

<sup>49</sup>Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-60.

### **Назорат саволлари**

1. Прогнозлаш нима?
2. Ўзгартириш йўналиши
3. Тасвирий фаолиятда кўникма
4. Ижодкорнинг индивидуаллик хусусияти
5. Уч ўлчовли куб деганда нимани тушунасиз?

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**1.** Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English

### **3-мавзу. Бадий фикрлаш хусусиятлари.**

#### **Режа:**

- 3.1. Ранглардаги хилма хил комбинация.
- 3.2. Тасвирий санъатнинг воситаси сифатида ранг.
- 3.3. Уйғунликга интилиш.

**Таянч иборалар:** комбинация, стимул, спектрал, ибтидоий жамият маданияти, маҳорат, замонавий санъат геометрик шакли.

#### **3.1. Ранглардаги хилма хил комбинация.**

Ранглардаги хилма хил комбинация бир қанча оддий қоидаларга, унга таъсир этувчи стимул ва инсон кўзи билан тасвирлай олган рангларга кўра шакилланади. Рангларнинг тасвирланиши бир томондан инсон қай даражада кўра олишига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки, рангларнинг спектрал тузилишига ҳам боғлиқ бўлади.

Манфред Рихтер (Manfred Richter) таъкидлаб ўтганидек, агар иккита бири-бирига яқин ранглар турли хил спектрал тузилишдан ташкил қилинган бўлса, худди шундай бир хил учинчи ранг билан аралаштирилганда натижа турли хил бўлиши мумкин. Шу билан бирга қўшимча натижаси, алоҳида ёрқинликларнинг спектрлари йиғиндисига мос келади, бу эса қатнашувчи филтрлар шаффофлигини берувчи маҳсулотдан камаювчининг келиб чиқишига олиб келади. Ушбу далилга асосланган ҳолда, Жорж Бернсон (George Biernson) ўз кўринишини йўқотувчи ранг уйғунлигини аниқроқ қилиб “кўп қисмли ранглар” деб аташ таклифини киритган.<sup>50</sup>

Генератив қўшимчалар.

Агар китобхоннинг эътибори ҳали ҳам менда бўлса, шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, рангларнинг кўшилиши ва камайтирилиши бири-биридан фарқ қилувчи турли хил жараёнлар бўлиб, улар қўшимчалар учун турли шароитларни жалб қилади. Агарда ушбу фарқлар эътибордан четда қоладиган бўлса, у ҳолда хатоликка йўл қўйилиб, аслида мавжуд бўлган ҳақиқатга нисбатан тескари хулосага олиб борувчи жадваллар ўртасидаги зиддиятлар эвазига чалғишимиз мумкин.

Тасаввур қилувчилар техникаси бўйича диққатга сазовор мақолада Ж. Карсон Вебстер (J. Carson Webster) кенг тарқалган, бироқ хато ҳисобланган таърифни қайд этиб ўтган бўлиб, қайсики рассомлар яратадиган ёрқин яшил ранг таъсири аслида кўк ҳамда сариқ рангларнинг устма уст аралаштириш натижасида эришади ва ушбу ранг инсон кўз олдида ёрқин яшил ранг қиёфасида мухрланиб қолади. Вебстернинг фикрича тасаввур қилувчилар бу каби ҳақ қандай ҳаракатни амалга оширмаганлар, сабаби эса жуда оддий бўлиб кўк ва сариқ рангларнинг бевосита ёнма-ён жойлашуви, оқ ёки кулрангнинг қўшимча таъсирини беради. Фақатгина кўк ва сариқ пигментларни аралаштириш орқали яшил тусга киритиш мумкин.

---

<sup>50</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-342.

Биз генератив ва асосий бирламчилар ўртасидаги фарқни ажратдик. Худди шундай фарқ энди қўшимча ранглар учун қўлланилиши керак. Генератив қўшимчалар, аралашма орқали бир хил оқ ёки кул ранг ҳосил қилувчи ранглардир. Асосий қўшимчалар, инсон кўз тасаввурига боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб турувчи ранглар ҳисобланади. Бу икки тушунчаларни чалкаштириш, кераксиз муаммоларни кўпайтиришдан бошқа нарса эмас. Шундай қилиб, уйғунлаштирилган оптик ёруғлик натижаларидан олинган схематик доиравий ранг, сариқ ва кўк рангларни бир-бирини тўлдирувчи жуфт сифатида диаметрик акс таъсирда кўринади. Бу эса ўз навбатида рассомлар норозичилигига сабаб бўлади, уларнинг назаридаги ранг тизимида сариқ ва кўк рангларни уйғунлаштириш қисман ва тугалланмаган таъсирни келтириб чиқаради; рассом учун сариқ ранг бинафша ёки сиёҳ ранг учун тўлдирувчи, кўк эса олов ранг учун тўлдирувчи бўлиб ҳисобланади.<sup>51</sup> Ушбу ҳолатда ҳеч қандай номутаносибликлар йўқ. Иккала томон ҳам турли хил нарсалар тўғрисида фикр олиб бормоқда. Генератив тўлдирувчилар бир қанча усуллар орқали текширилиши мумкин. Албатта ҳеч қандай тайёргарликсиз бирон кимса ёрқинлик аралашмаси билан биргаликда оқ ва кулрангларга қушиладиган ёруғлик комбинацияси худди рангларнинг ташқи қатламнинг доира шаклидаги айланиши билан бир хил кўринишга эга булишини кутмайди. Вудворс (Woodworth) ва Шлосберг (Schlosberg) қуйидаги тўлдирувчи жуфтликларнинг қиёсий хулосаларини таъкидлайди: қизил ва кўк, яшил, сарғиш, яшил ва бинафша, олов ранг ва яшил кўк, яшил ва сиёҳ ранг, сариқ ва кўк.

Натижалар, асаб тизимида фаолият юритаётган физиологик механизмлардан олинган тўлдирувчи жуфтликлар билан бир хилдек гўё. Бу ўз навбатида бир пайтдаги қарама-қаршиликка боғлиқ, мисол учун, яшил сиртга қўйилган кичик ўлчамдаги кулранг қоғоз бўлаги бинафша кўриниш ҳосил қилади, кейинги кўриниш учун эса Гельмгольцнинг (Helmholtz) бўйича қуйидаги тўлдирувчи жуфтликлар ҳосил бўлади: қизил ва кўк яшил, сариқ ва кўк, яшил ва пушти қизил.

Кичик фарқлар кўзга ташланмаслиги мумкин, сабаби ранг номлари тажрибаларда кузатилган аниқ ранг турларига тахминан ишора қилади.

Генератив тўлдирувчилар учун натижалар муносиб келишув шаклида бўлиши ажойиб ҳолат, модомики улар ҳеч бўлмаганда яққол бир вазиятда етарли сабабларга кўра рассомлар маъқуллаган асосий тўлдирувчиларнинг тизимига мос келмайди. Аввал таъкидлаганимдек, ушбу тизимда кўк ва сариқ ранглар ҳеч қандай вазиятда қўшимчалар сифатида кўрилмайди, сабаби учинчи фундаментал асосий ранг ҳисобланган қизил аралашмада мавжуд эмас. Демакки биз бу ерда оддийгина асосий физиологик зиддиятларни акс эттирмайдиган, ҳодиса қарама-қаршилигини аниқ кўрсатадиган ва ҳаттоки улар томонидан безовта қилинмаган визуал алоқалар асослари билан ишляпмиз.

---

<sup>51</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-342.

Янада содалаштириш учун мен асосан тўлдирувчи жуфтликлар тўғрисида тўхталиб ўтдим.

Албатта ҳар қандай сондаги ранглар тегишли тарзда танланган бўлса, бир хил натижа олиш учун аралаштирилиши мумкин. Рангли тасвир шаклида фаолият олиб борадиган учлик, рангли босмадан чиқариш, рангли телевизорлар тўлдирувчилар бўлиб: уч рангдан ҳар қандай иккитаси учинчи ранг учун тўлдирувчи ҳисобланади. Нютоннинг асосий кашфиётларидан бирига кўра, тасаввурдаги ҳар битта ранг уларнинг қолган барчалари учун биргаликда тўлдирувчидир. Пировардида шуни қайд этиш жоизки, тўлдирувчанлик нафақат ранг учун, балки ёрқинлик учун ҳамдир. Қора квадрат ўзининг кейинги кўриниши сифатида оқни ҳосил қилади, оч яшил эса тўқ қизилга қарама-қарши натижа беради.<sup>52</sup>

### **3.2. Тасвирий санъатнинг воситаси сифатида ранг.**

Тасвирий санъатнинг воситаси сифатида ранг ҳақида кам маълумотлар ёритилган. Аммо шунга қарамай, бир қанча рассомлар томонидан фойдаланилган палитралар ҳақида мақтовлик ва баъзан рассомларнинг рангни қўллашига қараб кескин танбеҳлик. Умуман олганда санъат тарихчиси Аллен Паттиллонинг (Allen Patillo) сўзларига қўшилмай бўлмайди, чунончи, “агар таъриф жоиз бўлса, рассомлик санъати тўғрисида ёзилганларнинг кўп қисми худдики расмлар фақатгина оқ-қора рангда тақдим этилгандек ёритилган”. Айрим университет санъат бўлимларида ранглар умумий шаклдан “эътиборни чалғиташи” ёки ўта кўзга ташланувчанлиги сабаб оқ-қора тасвирлар маъқулланади.

Рангли тасвир билан ишлайдаган ҳар бир кишига битта жисмнинг иккита тасвири бир хил кўринишда бўла олмаслиги яхши маълум, чунки улар ўртасида нозик фарқ мавжуд бўлади. Ҳаттоки энг мақбул шароитда ҳам, экрандаги тасвирнинг яққол кўриниши тасвирнинг бўйсунган сиртки ранглари товланиб турган ёрқин қимматбаҳо заргарлик буйимларига айлантиради ва албатта ҳажмдаги ўзгариш ташқи кўринишга ҳамда жойлашувга таъсир қилмай қолмайди. Китоб ва журналлардаги рангларни қайта ишлалар олий даражадан тортиб паст сифатлиларгача фарқ қилади. Кўп ҳолларда томошабин ўзига нисбатан қай даражада алдов ёки ҳақиқат ишлатилганини англолмайди.

Ёлғон далиллардан ташқари асллари ҳам бизни ранжитади. Тасвирий санъатнинг аксарият дурдоналарини асрлар давомида йиғилиб келинган чанг сабабли вужудга келган қалин тўқлашиб кетган бўёқ қатлами орқали кўриш мумкин. Биз, аслида суви яшил тусга кириб хиралашиб кетган аквариумда сузаётган балиқни, Мона Лиза расмидан кўра тиниқроқ кўрамиз. Шу кунгача ҳеч ким Тициан (Titian) ва Рембрандларни бир неча юз йилликлар давомида кўрмаган, расмларни қайтадан тиклаш ва тозалаш ишлари эса ҳар доим ҳам яхши самара бермайди. Бундан ташқари маълумки, пигментлар кимёвий таъсирга эга. Бу пайтга келиб ҳеч ким агрессив кўк рангларни Беллини ёки

---

<sup>52</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-343.

Рафаел композицияларидан жой олганини ёки Харунобу босмасини, Сезанн (Cezanne) акварелинининг Қуёш нурлари орақали таниб бўлмас даражада оқартирилганини гувоҳи бўлмаган, кимдур бизнинг тасвирлар ҳақидаги билимимизни бор йўғи гап-сўзларга ва тасаввургагина асосланган деб қабул қилади.

Мен, ранглар ёруғлик таъсирида қанчалик ўз кучини йўқотишини таъкидлаб ўтдим. Бундай ўзгаришлар шунчаки қайта ҳолатга кириш эмас: берилган ранг нури тасвирдаги бошқа рангларга турли хил таъсир ўтказади. Рангларнинг қарама-қаршилик ёки ассимиляция таъсирида биргаликда ишлаши одатда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бир тўртбурчакни бошқа бир учбурчак ёнига жойлаштириш орқали сиз уларнинг ўзгаришсиз қолганлигини кузатишингиз мумкин, бироқ уларнинг шакллари қандайдир маънода бир-бирига таъсир ўтказади. Лекин тўқ қизил олдида жойлашган кўк ранг ўзининг кўринишини яшилсимон тусга ўзгартиради ва бир деворга ёнма-ён жойлаштирилган иккита тасвирлар ҳам бир-бирининг рангларини тубдан ўзгартириши мумкин.<sup>53</sup>

Бўёқ цехидаги ранг наъмуна варақасида консерватив чекланган равишда намоён бўладиган яшил ранг деворларни қоплаган чоғда кўнглингизни бироз хира қилади. Мунсел ва Освалд томонидан лойиҳалаштирилган ранг дарахтлари ва конуслар, рангларнинг туси, ёрқинлиги ва тўйинганлигининг тизимли намоёниши жихатидан бизларга учта ўлчамларнинг таркибий бир-бирига таъсир этишини ҳайратланарлик тарзда тушунишимизга хизмат қилмоқда; лекин ранг туси қачонки бошқа муҳитга жойлаштирилганида, ёнма-ён жойлашган бошқа бир рангларга нисбатан ўзгаради.

Ишонарсиз маънода рангга нисбатан, “қандай бўлса шундайлигича” гапириш мумкинми, у ҳар доим ўзининг контексти томонидан аниқланган. Оқ фон ҳеч қанақасига ноллик даражадаги фонни англамайди, у ўзига яраша алоҳида ажратувчи хусусиятларига эга. Вольфганг Шон (Wolfgang Schone) таъкидлаганидек, XVI-XVII асрлардаги тасвирларда ёруғлик ранглардан кўра муҳимроқ ўрин тутган, шунинг учун ҳам улар оқ ёки жуда ёрқин деворларда намоён қилинганда натижа кутилганидек бўлмаган. Унинг айтишича, тасвирлардаги бундай муносабат Лувр, Уффици, Лондон Миллий Галереясида, Гамбург Кунстхалле каби музейларда ёруғ деворлар ҳисобига ёруғлик таъсирини эмас, рангни тўлдириб турган замонавий дурдоналар босими остида қолган.

Ушбу мавҳумликларга биз таъсирчанлик ва оғзаки аниқланувчанлик муаммоларини қўшимча қилишимиз шарт. Кузатувчиларга узлуксиз камалак ранглари тақдим этилганда, масалан нур спектри, асосий ранглар ўзларининг соф ҳолатига келганида пайдо бўлишини тан олмайдилар. Бу ҳаттоки асосий ранглар учун ҳам тўғридир, айниқса соф қизил, қайсики, кузатувчиларнинг фикрича 660 ва 760 миллимикрон оралиғида жойлашган бўлиши мумкин. Шунга кўра, ҳар қандай ранг номи рангларнинг жойлашув диапозонига ишора қилади, шунинг учун оғзаки мулоқот жараёнида ранг тасвирини

<sup>53</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-344.



англаш у қадар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Ньютон, масалан, замонавий кўллаш усулидан келиб чиққан ҳолда “бинафша” ва “сиёҳ ранг”лардан паст аҳамиятли эмас - бир хил сифат берувчи ранг даражадасида фойдаланган, сабаби бинафша ранглар тасаввурида мавжуд бўлиб сиёҳ ранг эса мавжуд бўлмаган. Бизнинг замонамизда Хилейр Хилер (Hilaire Hiler) ранг номлари жадвалини тузиб чиққан, масалан, 600 миллимикрон тўлқин узунлигига мувофиқ келувчи ранг бир қанча муаллифлар томонидан сарғиш-олов ранг (оранжевый хром), тилласимон қизғиш апелсин ранг, олов ранг спектори, оч қизил, Сатурн қизил, кадмий қизғиш олов ранг ёки қизғиш апелсин ранг.

Нима сабабдан ранг муаммоларининг муҳокамаси бунчалик тўсиқларга бой эканлиги ва шу даражадаги кичик аммо фойдали баҳс нима сабабдан жой олганлиги ойдинлашади. Бироқ бу далиллар, тасвирга қараганимизда бизнинг кўзимизга кўринганларни тушуниш учун мураккаб, тасодифий ёки ихтиёрий деб қабул қилинмаслиги керак. Аксинча ҳар қандай муваффақиятли амалга оширилган бирикмалар, енгил юритилган ранг, ҳар бир рангнинг жойлашган майдон ҳажми ҳамда унинг ёруғлик даражаси ва сингдирилишлари шундай ташкиллаштирилганки, барча ранглар биргаликда умумий мувозанатни ушлаган ҳолда бир-бирини барқарорлаштириб туради. Қисмлар муносабати натижасидаги ноаниқлик умумий ҳолатда ва ишда бир-бирини камчилигини қоплайди, қачонки синчковлик билан текширилганда эса аниқланган баёнотни ҳолисона намоён қилади.<sup>54</sup>

Якка ҳолдаги ранглар назарий умумийликка қаршилик кўрсатади. Улар ўзларининг махсус жой ва вақтига боғланган. Лекин ҳар қандай белгиланган тартибда улар қоидаларга амал қилишади ва структуравий тартибга бўй сунушади, биз эса буни туйғу орқали қис қиламиз-у, лекин шу вақтга қадар улар ҳақида кам маълумотга эгамиз.

### **3.3. Уйғунликга интилиш.**

Ранглар қай тарзда бир-бирига боғлиқ? Кўплаб таҳлилчилар ушбу савол билан тўқнаш келганлар: Қайси ранглар бир-бирлари билан мувофиқ равишда биргаликда ишлай олади? Улар осонликча ва ёқимли тарзда аралашма ҳосил қиладиган барча рангларнинг наменклатурасини аниқлашга ҳаракат қилдалар. Уларнинг тавсиялари барча ранглар қийматларини стандардлаштирилган ҳаққоний тизимга таснифлаш уринишидан келиб чиққан. Бу тизимларнинг дастлабкиси икки ўлчовли, кетма-кетликни тасвирловчи ва рангларнинг айлана ёки кўп бурчак сингари ўзаро муносабатларини акс эттирган. Кейинчалик, ранглар камида уч ўлчовли ранг орқали аниқланилиши тушунилган ва ёруғлик, уч ўлчамли сингдирилиш намуналари таништирилган. Ж. Х. Ламбертнинг ранглар пирамидаси, 1772. Рассом Филлип Отте Рунге 1810 йилда сферавий моделнинг тавсифини қуйидагича чоп этган: “5 та элемент аралашмасидан ҳосил бўлган ва ушбу қолип ичига кирмаган ҳар қандай кичкина фарқ тўғрисида ўйлашнинг имкони йўқ (кўк, сариқ, қизил, оқ ва қора); шунингдек бутун тизим ҳеч қандай аниқ ёки тугалланган шаклни ифодаламайди. Модомики ҳар бир

<sup>54</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-345.

берилган кичик фарқ ўзининг барча элементларга ҳамда аралашмаларга аниқ аълоқадрлиги мавжудлигини инобатга олган ҳолда, барча рангларнинг умумий контекстидек ҳеч кимга ўзини тўғри йўналтиришга имкон бермагани каби, бу соҳа умумий жадвал тариқасида қабул қилиниши шарт.” Кейинчалик психолог Вильхельм Вундт (Wilhelm Wundt) ранг соҳаси ва шунингдек кейинчалик Оствалд (Ostwald) томонидан ривожлантирилган кўш конус таклифини киритди. Аслида 1915 йилда рассом Алберт Мунсил томонидан ишлаб чиқилган ранглар дарахти ҳам сферавий тамойил шаклида эди. Хусусан, Баухаусда Пол Кли (Paul Klee) талабалари учун умумий тизимнинг жозибатор дизайнини яратган. Ушбу ишини Пол Кли “Рангларнинг умумийлик негизи”, деб номлаган.

Гарчи шаклида фарқлилик бўлса ҳам, ранг таснифининг турли моделлари бир хил тамойилга асосланади. Марказий вертикал ўқ рангсиз ёруғлик қийматини юқоридан оч оқ рангдан энг пастги нуқтадаги тим қора ранггача бўлган масштабни тақдим қилади. Экватор ёки унга мос келувчи кўп бурчакли контур, ўрта ёруғлик даражасида ранглар масштабни ўз ичига олади. Ҳар бир қаттиқ жисм орқали горизонтал бўлим берилган ёрқинлик даражасидаги барча ранг турлари учун барча мавжуд тўлдирилиш даражаларини кўрсатади. Ранг қанчалик бўлимнинг ташқи чегарасига яқинроқ бўлса, шунчалик тўйинган бўлади; қанчалик марказий ўқга яқин бўлса, унинг худди шундай ёрқинликдаги кулранг билан аралашмаси кучлироқ бўлади.<sup>55</sup>

Иккилик пирамидалари, иккилик конуслар ва сферик рангли қаттиқ қисмларнинг барчаси ўрта баландликда максимал ўраб олиш ва чегаралаш учун торайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай фикрлар ҳақиқатга асосланиб, бунда турли хил бўёқлар ўзининг энг юқори интенсив ёрқинлигига турли хилдаги очиклик даражасида эришади.

Шу сабабли, сариқ ранг энг юқори очиклик даражасида энг соф ҳисобланиб, сиёҳранг ва кўк рангга нисбатан пастроқдир.

Конус ва пирамида бир томондан ва сфера бошқа томондан турли хил назариялар даражасини англайиб, бунда ёрқинлик диапозони ўзгарувчан очиклик ҳолатига асосланиб ўзгаради. Шунингдек, конуснинг айланмаси билан пирамиданинг ҳажми ва бурчаклиги бир-бирига нисбатан узлуксиз сизиб ўтган масштаб каби бўёқлар кетма- кетлиги ҳамда уч ёки тўрт оддий рангларни чегараловчи тошлар сифатида безатилгани билан фарқ қилади. Хулоса қилиб айтсак, такрорий формадаги ранг моделлари бир- бирига нисбатан фарқ қилиб, бунда барча ранглар учун масофа талаб қилади ва бундай эҳтимолик қоидаси такрорий бўлмаган ранг моделлари учун ҳам қўлланилганда, масалан, Манселло дарахтининг ранги бугунги кундаги мавжуд бўлган ранг пигментларини ўз ичига олади.

---

<sup>55</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-346.

Бу каби тизим, икки хилдаги мақсад учун, яъни: ҳар қандай рангдан одилона фойдалана олиш ва қандай ранглар бир бири билан мослаша олишни билишга йўналтирилгандир.

Мен бу вазиятда иккинчи усул билан жуда қизиққан бўлардим. Оствальд ўз таърифларида “Икки ёки ундан ортиқ ранглар бир-бири билан ўзаро мослашиши учун мавжуд бўлган жисмларга нисбатан бир-бирига баробар бўлиши лозим”. Бироз шубҳали ҳолат: очикликни мавжуд элемент деб ҳисоблай оламизми ёки йўқ, зеро у ўз мослашувчанлик қоидаларини рангларнинг бир-бирига нисбатан мослаша олиши ёки бўёқдорлиги ёки ёрқинлигига таяниб таъриф берган. Бу ҳолат барча бўёқлар очикликда тенг бўлсагина ўзаро бир-бири билан кириша олишини билдирарди. Шунга қарамасдан, Оствальд маълум бир ранглар ,айниқса, рангли доирада учраган ва кўшимчалар кирита олган ранглар бир-бири билан ўзаро яхши мос келади дея ҳисоблаган. Доиранинг ҳар қандай 3 дан 1 такрорий қисми худди кутилганидек, мослашувчан муносабатига киришиб, бунда худди шундай учликлар кўшимча бўлиб фойдаланилган, яъни, улар бир хил аралаштирилганда яхлит кулрангни пайдо қилган. Биз бу ҳолатда асосан, улар аралашмасида қайси ранг янада бўёқдор ва рангсиз ҳолатга олиб келишига қараб, ўша ранг фундаментал ранг сифатида қабул қилиниш таклифини кўриб чиқяпмиз.

Манселлнинг мослашувчанлик назариялари ҳам умумий элемент принципларига асослангандир. Ҳар қандай горизонтал айланма ўзининг рангли модел ўқи атрофида бир қатор мослашган рангларни келтиради, чунки бу ранглар очикликнинг ва ёрқинликнинг барча бўёқларини ўз ичига тенг қамраган бўлади. Ҳар қандай вертикал чизик худди ранглар тўплами сингари фақат очиклик даражаси бўйича фарқ қиладиган мослашувчан рангларни аниқлаб беради. Ҳар бир горизонтал радиус гуруҳдан бошлаб ёрқинликнинг барча даражаси ушбу бўёқни очартириш учун бу каби сифатлар худди шундай мослашувчанлик вазифасини ўтаган. Бироқ Манселл бунданда чуқурроқ изланиш учун, “сфера маркази бу барча рангларнинг биргаликда бир хил балансга эришадиган ягона макони”, яъни ҳар қандай тўғри чизик фақатгина марказ орқали мослашувчан рангларни бирлаштириши керак дея таъкидлаган.<sup>56</sup> Бу ҳолатда икки кўшимча бўёқлар бир-бири билан шундай боғланиши мумкинки, бунда очикликнинг даражаси кўп бўлган ранг қисми нисбатан очиклиги камроқ бўлган рангга ўз қисмини бериб очиклик даражасини ошириши мумкин бўлади, Манселл шунингдек, “тўғри чизик”даги сферик текисликда ётадиган рангларни кашф қилган бўлиб, бунда улар катта доирада айланади. Бу ҳолатда мослашувчанлик ҳақиқатдан ҳам жуда муҳим бўлиб, чунки барча турдаги ранглар тўплами бир-бирига мослашган ҳолда бир яхлитликда жойланиши керак бўлади. Албатта, ижодий чизмаларда рассом ижодкорлар томонидан фойдаланиладиган барча рангларнинг кўпи баъзи бир бўёқларни истисно

---

<sup>56</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-347.

қилган, тасвир ёрқинлигини сустлаштирган ёки очиклик даражасини камайтирган маълум бир чегара остида жойлашган бўлиши мумкин. Зероки, биз эндиликда ўта аҳамиятли бўлган мослашувчанлик станлартига эга бўлган эканмиз, бу ҳолатда санокли рассомлар томонидан фойдаланадиган палитра рангларни ҳисобга олиш ўринли саналади. Шундай ранглардан бири Эгберт Джэйкобсоннинг тажрибасида қўлланилган. Бир нарса ҳақиқатга яқинки, нима бўлганда ҳам рассомлар томонидан фойдаланадиган ранглар мослашувчанлик қоидасига кўра бир-бирига яқинроқ ва мосроқ танланилади.

Бир ҳисобдан, рангларнинг бундай муносабати бошқа бир сабабларга кўра ўзгартирилиб безалади. Оствальд ва Манселл ўлчамнинг таъсирини ҳисобга олиб, катта хажмдаги ранглар кичик хажмдаги рангларни бўйсундириши керак ва шундагина ўта ёрқин ранглардан фақат кичик ўринларда фойдалана олишимиз мумкин, дея таклиф билдиришди. Лекин хаттоки қўшимча асос бундай мослашувчанлик ҳолатини амалга оширишни кийинлаштиради, ушбу ҳолатда бу каби фойдасиз таклиф билдиришдан кўра бошқа бир қанча асослар мавжуд. Аммо улар санокли ўлчам остида назорат қилина олмай, ўлчов каби қулай ва самарали бўла олмайди: Машҳур устоз ижодкор Адольф Холце айтганидек, “Асрлар бошидаги ижод намуналарида мослашувчанлик фақатгина уларнинг барча ранглари, юксак маҳорат билан ягона ва мослаштирилган ҳолда бир яхлит оқни ҳосил қилгандагина эришилган” деб таъкидлайди. Агарда ушбу таъкид рангли ғилдирак сифатидаги тажрибада қўлланилганда эди, унда ушбу келтириб ўтилган назария ўз исботини топа олмасди.<sup>57</sup>

Аммо ушбу қоидага танқидий яна бошқа бир фундаментал норозилик мавжуд бўлиб, бунда рангли мослашувчанликнинг қоидалари келтириб ўтилади. Бу қоида рангли тўплам йғҳилиб бошқа барча ранглар билан мос келганда пайдо бўлган. Бошқа барча ташқи муносабатлар худди шундай ёқимли ҳолатни намоён этади. Табиийки, бу мослашувчанликнинг энг маъқул усули бўлиб, хаттоки болалар кийими ва болалар боғчаларига энг муносиб келадиган ранг тизимлари бўлиб ҳисобланади. Тарихчи ижодкор Дж. Фридендер ўзининг ”Энг арзон мослашувчанлик” китобида айтиб ўтганидек: бўрттирилган чизмадаги илиқлик ва ранглар уғунлиги бир неча қават бўёқ остида намоён бўлади. Бу ҳолат қабристондек жимжит мамлакат аҳолисини физика тилини тушунишга абсолют юқорига интилаётган каби асосга таянади.

Муסיқага бўлган эътибор бошқа бир таърифга олиб келади. Агар муסיқий мослашувчанлик фақатгина қоидага асосланган ҳолда қайси товуш бир-бирига мос келишига қараб ижро этилганида эди, у ҳолда бу муסיқа маънавий хордиқ чиқариш учун етарлича бўла олмасди. Муסיқа матни маъносини сўрагандан кўра қўшиқчи ўзининг муסיқаси орқали нимаси билан хотирага мухрланиб қола олишига қизиқиши лозим. Аслида бу таъриф, муסיқий мослашувчанлик ҳеч қандай доимий қоидага асосланмаган чунки бу

---

<sup>57</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-348.

ҳолат ижодий илҳомга боғлиқ. Бугунги кунда илгари мумкин бўлган эффектлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Баъзида бундай қоидалар энди оммада урф бўлишни бошлаганида, замондан орқада қолиши ҳам мумкин. Ҳудди шу ҳолат баъзи бир рангли бўёқлар билан ҳам содир бўлди. Масалан, Вильгельм Оствальд 1919 йилги қоидани танқид қила туриб, ёрқин ранглар фақат кичик жойларда фойдаланилиши керак, катта хажмдаги жисмларнинг ташқи қисми масалан, Помпейдан топилган ҳақиқий Вермильонда “қадимнинг ижодий бетакрорлигини асрашда бўлиб ўтган уруш ва талафотларни қайтара олмасди”. Шунга кўра биз бугунги кунда Матиссанинг ижодий намунасини эслаб ўтишимиз лозим, 6000 кв.д билан ўралган тўқ қизилга бўялган бўлиб, ушбу намуна 1911 йилда яратилган.

Арнольд Шонберг говорит в своей Теории Гармонии: "Тема доктрины музыкальной композиции обычно делится на три области: гармония, контрапункт и теория формы. Гармония - доктрина аккордов и их возможных связей относительно их архитектурных, мелодичных, и ритмичных ценностей и относительного веса. Контрапункт - доктрина движения голосов относительно *motivic* комбинации. Аммо мусиқага қайтиш учун шаклга доир қоидалар бунга тегишли эмас. Арнолд Шонберг, Мослашувчанлик назарияси айтганидек: “Мусиқа композицияси одатда 3 соҳага: мослашувчанлик, контрапункт ва теория шаклига бўлинади. Мослашувчанлик бу аккордлар доктринаси ва уларнинг архитектура, мусиқа ва ритм ва оғирлик билан боғланиш эҳтимоли. Контрапункт бу мотивацион комбинацига асосланган товушларнинг доктринасидир.<sup>58</sup>

Шакл назарияси, мусиқавий мулоҳазани ривожлантириш ва барпо этиш учун мойиллик билан биргаликда ишлайди. “Бошқача қилиб айтганда, мусиқа назарияси товушларнинг бир-бирлари билан ёқимли тарзда уйғунлашишига эмас, балки назарда тутилган мазмунни муносиб шаклда етказиб беришга алоқадор”. Бир умумий кўринишга келтириш учун ҳамма нарсани кўшиш муаммонинг бир томонигина ҳалос, мусиқада эса ҳар қандай бирикмада майинлик билан уйғунлашиб борувчи элементлар ассортименти ёрдамида яратилган ижод наъмунаси қониқарсиз ҳолат.

Тасвирий комозицияда жамланган рангларнинг барчаси ранг тизимидан пайдо бўлган оддий кетма-кетликнинг бир қисми, дея таъкидлаш, эҳтимол айти қандайдир мусиқа парчасининг барча товушлари бир калитга тегишли бўлганлиги учунгина мос келган, дейишдан ҳам кам маънолик бўлган бўлар эди. Баёнот тўғри бўлган тақдирда ҳам, иш тузилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган бўлар эди. Биз таркибий қисмлар мавжудлигини ёки улар бир-бирига қандай алоқадор эканлигини билмаган бўлар эдик. Элементларнинг вақт бўшлиғида ўзига хос жойлашуви тўғрисида ҳам ҳеч нима маълум бўлмаган бўлар эди; бунга қарамасдан айти бир хил товуш ассортиментлари бир кетма-кетликда тушунарли наво яратиши, тасодикий ўйналганда эса тартибсиз оҳанг бериши ҳақиқат. Бунинг устига, ўз ўзидан

---

<sup>58</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English. P-349.

маълумки, айиришлар композиция учун алоқалар сингари муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Қачонки ажратилган қисмлар бўлмаганда эса бириктириш учун ҳеч қандай восита мавжуд бўлмайди, оқибатда натижа тартибсиз омикта каби кўринишга эга бўлади. Муסיқа масштаби айнан енгил оҳанг жараёнида барча товушлар ҳам бир-бирига мос келмаслиги сабаб бастакорнинг “палитра”си каби хизмат кўрсатишини, лекин турли даражада ихтилофларни тақдим қилишини ёдда тутиш муҳим аҳамиятлидир. Анъанавий ранглар уйғунлиги фақатгина ажралишлардан сақланиб, алоқаларга эришишга оид равишда ишлайди, шунинг учун ҳам энг яхши вазиятда тугалланмаган бўлади.

### **Назорат саволлари**

- 1. Нима учун оддий шакли болалар расмлари бир мажбурий аксессуар бўлади?*
- 2. Замонавий санъат геометрик шакли нима?*
- 3. Тингловчиларда фикрлаш қобилиятини қандай шакллантирилади?*
- 4. Ижодкорнинг индивидуал ифодалаш хусусиятлари нимада?*
- 5. Бадиий ижодиётда тасаввур олами деганда нимани тушунасиз?*

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. USA, 2004, English



#### **4-мавзу. Ижодда темперамент ва қобилият ҳақида умумий тушунча.**

##### **Режа:**

4.1. Структура ичида сақланган ифода.

4.2. Тасвирий санъат фаолияти ва сезги

